O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 26-yanvar, chorshanba ● № 4 (705) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ҲУШЁР, ХИЗМАТДА СЕРГАК

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги алоқалари тобора ривожланиб борар экан, бу биринчи галда божхона фаолиятининг замонга мослигини талаб этади. Айниқса, республикамизда турли халқаро шартномалардаги божхона ишларига оид бандларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш ниҳоятда муҳим.

3-бет

ИНСОНИЯТ ЎЗ ОЁҒИГА БОЛТА УРМОҚДА

1986 йилнинг 1 ноябрь куни "Сандоз" фармацевтика компанияси омборида ёнғин содир бўлди. Бу ерда сақланаётган минг тонна кимёвий модда Рейн дарёсига қуйилди. Табиатшуносларнинг қайд этишича, ушбу ҳалокат туфайли миллионлаб тонна балиқ қирилиб кетди, ичимлик сув яроқсиз ҳолга келди.

5-бет

ИЛҲОМ БАХШ ЭТАЁТГАН ШИФОХОНА

Ҳар куни шаҳарда жўш ураётган ҳаёт шовқини узра ажиб бир манзарага дуч келаман. Пойтахт кўчалари бўйлаб қурилаётган муҳташам иморатлар, йўллару кўприклар, коллежу лицейлар, гўзал ва кўркам боғлар юртимиз чиройига-чирой бахш этаётган бўлади.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг таклифига биноан Брюсселда бўлди.

Бельгия Қироллиги пойтахтига ташриф асносида Юртбошимиз Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер, НАТО Бош котиби Андрес Фог Расмуссен билан учрашди.

Дўстона ва очиқлик руҳида кечган музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон — ЕИ, Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусида маъруза қилди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Ифтихор

Қасамёд бахти ва масъулияти

Шу кунларда мамлакатимизнинг чақирув ёшидаги фуқаролари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга шайланиб турибдилар

Қишлоқдагилар меҳмонга келса, Тошкентдаги ўзгаришлар — янги қурилган иншоотлар, саройлар ва майдонлар билан таништириб чиқадиган одатим бор. Навбатдаги таништирувлардан бирида Мирзо Улуғбек кўчасидан ўтишга тўғри келди. Машина ойнасидан атрофни томоша қилиб кетаётган меҳмон «Ватанга қасамёд» ҳайкалини кўрсатиб, ўғлига нимадир деяётганини кўриб қолдим ва машинани йўл четида тўхтатдим.

Маҳобатли ҳайкал рўпарасида туриб уни обдон томоша қилдик, фарзандларимизга «Ватан», «қасамёд» тушунчалари ҳақида сўзлаб бердик. Садоқат, бурч туйғулари боболаримизнинг душманлар устидан, босқинчилар устидан ғалаба қозонишларига ёрдам берганини ўзим ҳам зўр ҳаяжон билан тушунтирдим. Болалар сўзларимни ташналик билан тинглар экан, ўғлим ўз отаси билан фахрланиши келди шекилли, «Сиз ҳам шу ерда қасамёд қилганмисиз, дадажон?», деб сўраб қолди.

3 »

✓ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган, интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

✓ 26 январь – Халқаро божхоначилар куни

Халқ манфаати йўлида ҳушёр, хизматда сергак

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Юртбошимиз ташаббуси билан илгари сурилган мустақил божхона тизимини барпо этиш ғояси миллий божхона тизими ривожланишининг муҳим асоси бўлди. 1991 йил 25 октябрда давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг ташкил этилиши, унинг замонавий технологиялар ва соҳага доир энг сўнгги янгиликларни татбиқ этган қудратли қўмита ташкил топди.

Бугунги кунда ташқи савдо доирасида иқтисодий хавфсизликни таъминловчи давлат идоралари қаторида божхона хизмати ҳам ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги алоқалари тобора ривожланиб борар экан, бу биринчи галда божхона фаолиятининг замонга мослигини талаб этади. Айниқса, республикамизда турли халқаро шартномалардаги божхона ишларига оид бандларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш ниҳоятда муҳим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси МДҲ иштирокчи давлатлар божхона хизмати бошлиқларининг Кенгаши, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг божхона ҳамкорлиги бўйича махсус ишчи гуруҳида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларида фаол иштирок этади.

Ўзбекистон 1992 йил 28 июлда Жаҳон божхона ташкилотининг фаол аъзосига айланди. Божхона хизматини жаҳон стандартларига яқинлаштириш мақсадида мамлакатимиз халқаро божхона амалиётлари билан боғлиқ 15 дан зиёд халқаро конвенцияга аъзо мамлакатдир.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, миллий ва иқтисодий хавфсизлигимизни таъминлаш Ўзбекистон божхона хизмати олдига масъулиятли вазифаларни қўяди. Бугунга келиб бу юмушлар божхона органлари томонидан муваффақиятли бажарилмоқда.

Божхона назоратининг самарасини таъминлаш, унинг ҳудудида товар айирбошлашни тартибга солиш, мамлакатга сифатсиз ва ноқонуний товарлар олиб келинишига қарши курашиш билан бир қаторда аҳоли фаровонлигини, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни ҳимоя қилиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш каби жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда Давлат божхона қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган бугунги даврда трансмиллий наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, одам савдоси ва бошқа жиноятларнинг олдини олишда Ўзбекистон божхона органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Контрабандага қарши курашиш соҳадаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ана шундай ашёларни божхона чегараларидан олиб ўтишга уринишлар турли усулларда амалга оширилади. Бу каби ҳолатларни аниқлаш ва фош этишда замонавий технологиялардан фойдаланилади. Айни пайтда божхона назорат пунктларида замонавий рентген аппаратлари, гиёҳванд моддаларни аниқлаш ва таснифлаш ҳамда радиацион назоратдан ўтказиш воситалари, автомобиль тарозилари, мураккаб кўрикдан ўтказиш оптикалари ва кинология хизматидан фойдаланиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Божхона ходимларининг ўз ишига масъулият билан ёндашуви тараққиёт билан бир хил суръатда ривож топаётган контрабанда оқимини бартараф этиш ва бу каби жиноятларга чек қўйишда энг муҳим омил саналади.

Ўтган йилларда республика божхона идоралари соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда сезиларли ютуқларга эришдилар. 2010 йил давомида божхона муассасалари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига оид 38 мингдан ортиқ ҳолатлар аниқланди. Уларни бартараф этиш натижасида 64 миллиард 300 миллион сўмлик ноқонуний олиб ўтилган товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичлардан 18 миллиард 300 миллион сўмга кўпдир. Аниқланган ҳолатларнинг 937 тасига жиноят иши қўзғатилган, 35 мингдан ортиғи бўйича маъмурий чоралар қўлланган.

Ўтган йил давомида гиёҳвандлик моддалари контрабандасига оид қонунбузарлик ҳолатлари натижасида салкам 128 килограмм гиёҳванд воситалар, 62 минг дона кучли таъсир қилувчи психотроп таблеткалар, 11,6 миллион дона сифати кафолатланмаган турли пиротехник воситалар, салкам 7,5 минг дона капсулаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ноқонуний олиб ўтишга уриниш пайтида божхоначилар 910 тонна рангли ва қора металлар, 325 минг литрдан ортиқ ёқилғи-мойлаш материаллари, 91 минг литрдан ортиқ спирт, ҳар хил турдаги алкоголли маҳсулотлар, салкам 364 минг қути тамаки маҳсулотлари, 158 минг литрдан ортиқ ўсимлик ёғи, 87 тоннадан ортиқ турли хил чой, 1,4 мингдан зиёд чорва моллари, 23 тоннадан ортиқ пахта хомашёси ва бошқа товарларни ушлаб қолдилар. Шунингдек, жисмоний шахсларни божхонада назоратдан ўтказиш чоғида 1,3 миллион АҚШ доллари, 12,2 миллион Россия рубли, 418,2 миллион сўм ва 33,1 килограмм тилла ҳамда заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Республикамиз ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ёки юртимизга олиб кирилиши қонунчиликка асосан йўлга қўйилган. Аммо ушбу товар-моддий бойликларнинг нопок шахслар томонидан контрабанда йўллари билан ташиб кетишга уриниш ҳолатлари учраб турибди. 2010 йил давомида 1317 дона турли ноёб тарихий ва маданий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона комплекслари ва постларининг ягона ахборот тизими режимида фаолият кўрсатишини таъминлаш, божхона назорати остида бўлган товарлар бўйича ахборотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш каби технологик жараёнларнинг автоматлаштирилишини таъминлаш борасида муайян ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, ахборотларни реал вақт миқёсида йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлашга мўлжалланган "БЮД маълумотларини қайта ишлаш", "Авто", "Темир йўл", "Божхона омбори", "Божхона тўловлари", "Божхона қоидабузарликлари" каби автоматлаштирилган ахборот тизимлари, "ДБҚ веб портали", "Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими" каби дастурлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Энг муҳими, мазкур дастурлар учун ягона бошқарув тизими ишлаб чиқилди ва улар ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига бирлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, амалиётга киритилган барча дастурий таъминотлар миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган бўлиб, улар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат ахборот тизимлари сифатида қайд этилган. Бугунги кунда деярли барча божхона постлари ва пунктлари ДБҚнинг ягона ахборот тармоғига уланган.

Эътироф этиш жоизки, ўтган йиллар давомида божхона тизими иқтисодий манфаатларни таъминлаш ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Божхона ишларининг юқори самарадорлигига эришиш, божхона расмийлаштируви ва назорати жараёнларини мақбуллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона таомилларини соддалаштириш йўлидаги йўналишлар Ўзбекистон Республикаси божхона хизматини ривожлантириш стратегияси, божхона органлари фаолиятини модернизация қилиш Концепциясида аниқ белгиланган.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Огоҳлик

ЧОРАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Яқинда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани Чирчиқ кўчаси 30- ҳамда Сирғали тумани Қипчоқ кўчаси 94-уйда ёнғин келиб чиқди. Маълум бўлишича, фуқаролар чордоқ ва ертўлада тез ёнувчи моддалар сақлаган ва бунга умуман беэътибор бўлишган экан. Натижада уларнинг оилавий бюджетига ҳамда соғлигига жиддий путур етди. Беэътиборлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўз ҳаётлари мисолида чуқур англашди.

Албатта, кундалик ҳаётимизни «зангори олов» ҳамда электр энергиясисиз тасаввур этишимиз қийин. Аммо афсуски, эътиборсизлик оқибатида келиб чиққан ёнғин туфайли нафақат оила, балки давлатга, экологияга ҳам катта зарар етиши мумкинлиги ҳақида кўпинча ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Чунки ундан ажралиб чиқаётган тутун — турли хил заҳарли газлар атмосфера ҳавосини ҳам бузади. Ён-атрофда турли юқумли касалликлар тарқалишига шарт-шароит яратади.

Бундай аянчли оқибатларнинг олдини олиш учун аслида биздан кўп нарса талаб қилинмайди. Бор-йўғи ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилсак, кифоя.

Икромжон СОЛИЖОНОВ,
12-ХЁХО 26-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми инспектори

ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Туманимизда айрим фуқаролар томонидан газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида бир неча марта ёнғин содир бўлди. Жумладан, 2011 йил 11 январь куни Бектемир тумани Сувчи даҳаси 51-уй 66-хонадонда яшовчи фуқаро А.Шерниязовнинг уйида шундай ҳодиса содир бўлди. Маълум бўлишича, болалар ётоқхонасига ўрнатилган электр мосламаси назоратсиз қолдирилган экан. Биргина шу лоқайдлик туфайли уйнинг шифт қисми ва болалар кийими учун мўлжалланган шкаф, гилам ва болаларнинг кийим-кечаклари буткул ёниб кетди.

Кўриниб турибдики, ёнғиннинг ўчиргандан кўра унинг олдини олиш, бундай воқеалар содир бўлишига йўл қўймаслик ҳар жиҳатдан фойдали. Бунинг учун ҳушёрликни унутмасак бўлгани.

Р.НУРУТДИНОВ,
Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, кичик сержант

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Хўжайли туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 54 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркаси якунига кўра 157 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

САМАРҚАНД. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик қошида тузилган тарғибот гуруҳи аъзолари, сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар ёшларга давлатимиз раҳбарининг маърузасида илгари сурилган ғоя ва белгиланган вазифаларни шарҳлаб, уларнинг моҳияти ҳақида атрофлича тушунча бердилар.

ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор туманидаги Халқабод, Янгиобод ва Наврўзтепа қишлоқларидаги 1200 та хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўла бошлади. Ушбу лойиҳани амалга оширишда «Гиссарнефтгаз» қўшма корхонасининг 366 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамидан самарали фойдаланилди. Натижада 7 километрдан зиёд масофага юқори ва ўрта босимли газ қувурлари тортилиб, қишлоқлар аҳолиси учун табиий газ келтирилди.

ФАРҒОНА. Вилоятда тадбиркорлик ташаббуслари кенг қанот ёймоқда. Қува туманида Исматиллахон Ҳакимов 130 миллион сўмлик лойиҳа асосида сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонани қуришга киришди. Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида тадбиркор Равшанбек Исроилов янги автошоҳбекат қуриб, фойдаланишга топширди. Тошлоқ туманида очилган янги цехда эса 10 турдан зиёд гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

БУХОРО. Олот туманида дюздо бўйича қизлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ёш, иқтидорли дюздочи қизлар қатнашди. Мусобақада Самарқанд вилояти вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Ш.Омонова, Д.Келдиева, С.Баратова ҳамда Ш.Усмоновалар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлуб этиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. «Давр автобизнес» корхонасининг «Isuzu» русумли автобуслари «Чиноз — Тошкент» йўналиши бўйича аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Корхонанинг янги автобусларидан ўн бештаси ички йўналишларда қатнамоқда. Келажакда йўловчи ташувчи транспортларни 50 тага етказиш режалаштирилган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Бугунги кунда «Тошкент — Бухоро» автомагистралининг Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи қисми кўкаламзорлаштирилмоқда. Бу ерда йўлнинг икки тарафи бўйлаб 5 километр узунликда 5 қатор мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш ишлари амалга оширилянти.

Журналнинг янги сони

Ҳуқуқий саводхонлик амалда

Бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий-сиёсий йўналишларни ҳам изчил ислоҳ этиш, либераллаштириш, жамиятни демократия ва модернизация қилиш жараёнлари кечяпти. Бунда, айниқса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатда бўлаётган туб ўзгаришларни уларга тўлақонли етказиш устувор вазифалардан саналади. Яқинда ана шу ҳайрли мақсад йўлида чоп этиб келинаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2010 йил 4-сони нашрдан чиқди. Тараққиётимизнинг ҳуқуқий негизи бўлмиш Бош Қомусимизга бағишланган мазкур журналнинг янги сонидан Б.Мустафоевнинг «Конституция — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори», С.Ғуломованинг «Ҳуқуқ социологиясида шахс ҳуқуқлари ва жамиятнинг долзарб муаммолари», А.Саидовнинг «Ўзбекистонда мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш: натижалар ва истиқболлар», М.Мамаюсуповнинг «Инсоннинг экологик ҳуқуқлари», Г.Мўминованинг «Баркамол авлод тарбиясида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўрни», Ф.Эргашевнинг «Туркистондаги «халқ судлари», М.Мунаввароваинг «Миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари» каби бир қатор таҳлилий ҳамда илмий-маърифий материаллар ўрин олган. Улар барча муштарийларда қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ. Мақолаларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилида тўҳфа этилаётгани ўқувчилар аудиториясининг кенгайишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши учун яратилаётган кенг имкониятлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришда, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳажмини оширишда ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги "Ўзбекистон" хусусий корхонасида замонавий технологиялар ёрдамида кунига 600 литр сут қайта ишланади. Ўндан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонанинг қаймоқ, қатиқ, сузма, йогурт, сметана сингари маҳсулотлари савдо дўконлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Зарнигор Нормуродова.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Қасамёд бахти ва масъулияти

(Бошланиши 1-бетда.)

10 ёшли ўғилчамнинг бу беғубор саволи бизга, айниқса, меҳмонимга бироз оғирроқ ботди. Менинг ўрнимга ўғлимнинг бошини силаб у жавоб берди:

— Бу бахт сизларга насиб этмоқда, ўғлим, биз кўрганни сизлар кўрманглар, илоҳим.

Мен кулиб юбордим. Ахир, меҳмоним қирққа ҳам кирмаган ёш йигит бўлгани ҳолда, кексалардек гапираётганди-да.

— Оқсоқол бўлиб кетинг-э, — дедим унинг елкасига қоқиб.

У индамади, менга қараб мунгли кулимсираб қўйди-да, бурилиб, машина томон аста кета бошлади. Мен бемаврид ҳазил қилганимни тушундим. У армия борасида чиндан-да отахонлардан ҳам кўпроғини кўрганди...

МУҚОЯСА

Армияда хизмат қилиш биз ёш бўлган чоғларда ҳам қизиқ эди, фахр эди гўё. Шунингдек, "Ватанга садоқат", "қасамёд", "ҳарбий хизмат бу — юрт олдидаги конституцион вазифа, йигитлик бурчи" деган тушунчалар ҳам аввалдан бор аслида. Лекин назаримда, улар фақат бугун ўзининг ҳақиқий маъносини топгандек. Тўғри-да, кеча ҳарбий хизмат "мажбурият" эди, бугун эса унинг номи "Бурч". Менимча, бу икки сўзнинг ўртасида "Муносабат" деган фарқ бор. Ана шу муносабат бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилган биринчи кунданоқ сезилиб туради. Мен бунга ўтган йили, чекка қишлоқда яшаётган жиянимни армия сафига кузатаётиб, амин бўлгандим.

Ҳали хизматга бормай туриб ҳарбийларча кийиниб олган, юзкўзлари порлаб турган бугунги чақирилувчиларга қараб, рости, уларга чин дилдан ҳавасим келди. Чунки...

Бугунги ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар — назарий ва амалий машғулотлар ўтиш жойларидаги техник имкониятлар, ошхона ва ётоқхонадаги қулайликлар... буларнинг барчаси ҳақида бир бутун тасаввурга эгамиз, зеро, деярли ҳар куни бу ҳақда телевизорда кўряпмиз, укаларимиздан эшитяпмиз. Шунингдек, бугун ҳарбий укаларимиз учун давлатимиз томонидан шундай имтиёзлар яратилганки, уларни санаган сари беихтиёр бошқатдан хизмат қилгиси келади кишининг. Масалан, мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган юртдошларимиз олий ўқув юртига ўқишга кираётганда, уларга тест синовларида тўпланган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Захирага бўшатилган ва олий ўқув юртларида контракт асосида ўқиётган, ёшлар ташкилотлари ишида ўз фаоллигини кўрсатган собиқ аскарларга эса "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан контракт суммасининг 35 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилади. Йигитлар Қуролли Кучлар сафида бўлган даври мобайнида уларнинг оила аъзолари ер солиғидан озод этилади. Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб уйига қайтаётган аскарга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул жамғармаси, спорт кийимлари ва янги ҳарбий уст-бош берилади... Энг муҳими шундаки, бугунги ёш ҳарбийларнинг давлат ва халқ олдида ҳурмати бор, қадри баланд! Уларга энг аввало инсон деб, ўз фарзандларимиз деб қараймиз доим. Биз уларни муддатли ҳарбий хизматга муносиб деб топилган энг фаол, соғлом ва кўркам ёшларимиз деб эъзозлаймиз.

Бу борада Президентимизнинг ***"Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ... машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим"*** деган гаплари айни ҳақиқатдир.

Албатта, халқнинг бу эътибори ва эҳтиромини ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг ўзлари ҳам яхши билишади, шунинг учун уларнинг юз-кўзида ғурур ва ифтихор кўрасиз. Шунинг учун муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларнинг аксарияти келгусида ҳам шартнома асосида ҳарбий хизматда қолиш истагини билдиришмоқда ва катталар ҳам уларнинг бу истакларини маъқуллашмоқда.

Биз-чи, бугун билсак, биз — шўро даврининг чақирилувчи ёшлари ўшанда зиғирча ҳам инсоний қимматга эга бўлмаган эканмиз, биз унда бор-йўғи ҳарбий хизматчилар сафини тўлдирувчи оддий рақамлар эканмиз, холос.

Армияга бориб фақат қурилишда ишлаган ёки ўрмон кесиш билан банд бўлган акаларнинг орттирган тажриба ва хизмат таассуротларидан кўра "дедовшчина" ҳақида — (кимдан қандай хўрланганини эмас, албатта) кимларни қандай "боплагани" ёки "самоволка"да қилган шўхликлари тўғрисида кўпроқ эслашлари ҳам шундандир асли.

Тўғри, кучга тўлган ёш йигит борки, кўнглида оз фурсат бўлса-да, ҳарбий бўлиш истаги ҳукмронлик қилади. Бироқ биз билган тенгдошларимизнинг деярли бирортаси армия сафига қайтиб кетмаган. Ота-оналар ҳам бунга рўйхушлик беришмас эди. Бизнингча, "совет армияси"га нисбатан халқнинг очиқ айтилмайдиган, салбий муносабати эди бу. Чунки армия сафларида миллатчилик, айниқса, рус тилини билмаган аскарларга нисбатан носамимий муносабат мавжудлигини ҳамма яхши билар эди.

"ЎҒЛИМНИ БЕРМАЙМАН!"

Мунисхон холам 8 фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Тўртта ўғли армияда хизмат қилди. Тўртинчи ўғил — Шукуржон 1989 йилнинг майида армияга кетганди. Холамнинг учинчи ўғли — Шуҳрат ўша йилнинг декабрида укасини армиядан — Россиянинг Уфа шаҳридан олиб қочишга мажбур бўлди. Маълум бўлишича, 1989 йилнинг июнида юз берган "Фарғона фожиаси" воқеалари ҳақидаги хабарларни телевизорда кўрган бошқа миллатга мансуб аскарлар ёлғиз ўзбекистонлик, яна бунинг устига фарғоналик Шукуржонга кун бермай қўйишган. Бу ҳақда Шукуржон ҳеч кимга айта олмаган, ҳатто ота-онасига ҳам. Аммо вазият чидаб бўлмас даражага бориб етгач, қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида маслаҳат сўраб, телефонда собиқ десантчи акаси — Шуҳратжонга айтган. Шукуржонга бирор кор-ҳол бўлиши мумкинлигини тушунган ака бир қўйни сотиб пулини белга боғлагану бориб, укасини "ўғирлаб" келган.

1990 йил, май. Ипак қурти учун барг кесаётган холамнинг ёнига набираси келиб, уйига учта ҳарбий келганини, уларни чақиришаётганини айтди. Холам ҳаллослаб, Маҳмуджон амаки (холамнинг турмуш ўртоғи) эса, важоҳат билан ҳовлига кириб келди. Ҳовли тўридаги сўрида формали уч киши — участка нозири, туман ҳарбий комиссариати раҳбари ва яна бир бегона офицер (Шукуржон хизмат қилган ҳарбий қисмдан келган) ўтирарди.

Маҳмуджон амаки эгнидаги эски чопонининг бир этагини қайириб, белбоғига қистириб олган. Этигининг қўнжидан дасткалланинг сопи чиқиб турибди. Соқоли олинмаган. Маҳмуджон амакининг бу кўриниши "Фарғона фожиаси" ҳақидаги бўрттирилган хабарларни телевизорда кўрган рус офицерига қандай таъсир қилишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бунинг устига, амаки тўғри келиб, кўрпачани қайириб сўри четига ўтираркан, этигининг қўнжидаги дасткаллани олиб, хонтахтанинг бурчагига тарақлатиб қўйди ва бақувват қўлларини дуога очди: "Овми-ин, Оллоҳу акбар".

Ҳозиргина "Только трибунал! Никакой пощады! Если вы не сможете арестовать его, отвечать будете вы!" деб ҳеч кимга гап бермаётган одам бирдан жимиб қолди. Суҳбат мезбон билан комиссариат раҳбари ўртасида бўлиб ўтди. Мезбон уч ўғли армияга бориб, бири автомобиль, иккинчиси қурилиш, учинчиси ҳаво десанти қисмларида хизмат қилганини, тўртинчиси ҳам армия сафига мамнуният билан кетганини ва у хизматдан қочмаганини, аксинча, уни муқаррар ўлим чангалидан қутқариб олиб келишганини ёнибкуйиб тушунтириб берди.

— Шу ишни қилмаганимизда, — деди амаки бегона офицерга еб қўйгудек қараб, — улар менга ўғлимнинг ўлигини жўнатишарди. Хўш, кейин додимни кимга айтардим? Менинг ўғлим ҳалиям хизматдан қайтмайди. Фақат шартим шуки, у шу ерда — Ўзбекистонда хизмат қилади, манавиларга бермайман ўғлимни, гап шу!

Бу ўша пайтлардаги минглаб ўзбек оталарининг талаби эди. Зеро, биргина 1989 йилнинг ўзида, Афғонистонда эмас, тинч-осойишта ҳудудларда ҳарбий хизматни ўтаётган 430 нафар ўзбек ўглони ҳалок бўлганди. Ана шуларни инобатга олиб, Ўзбекистоннинг эндигина сайланган биринчи Президенти "Бундан буён ўзбекистонлик йигитлар фақат ўзимизда — Ўзбекистонда хизмат қилади!" деб қатъий қарор қилганди.

— Шукуржонни менинг олдимга юборинг, — деди майор, амакига босиқлик билан тушунтириб. — У хизматнинг қолганини Ўзбекистонда давом эттиради, мен бунга кафилман.

— Манавиларга гапинг ўтадими? — деди амаки ишонқирамай.

— Ўтади!..

Маҳмуджон амаки дуога қўл очди. Аввало "марказ"дан қўрқмай халқчил қарор чиқара оладиган янги раҳбар ато этгани учун Яратганга ҳамду саноолар ўқиди. Кейин одамларнинг дардини эшитиб, уларни ўйлаб иш тутаётган Президент Ислом Каримовни дуо қилиб, у кишига узоқ умр ва халқ меҳрини тилади.

"ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЙИГИТЛАР ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!"

Маҳмуджон амаки Президентни дуо қилишга қилди-ю, лекин "Ўзбекистонлик йигитлар фақат Ўзбекистонда хизмат қилади" деган гапнинг айтилганига ҳам, шундай бўлиши мумкинлигига ҳам ишонмади. 1989-1990 йилларда бу гапни айтиш ва устидан чиқиш, ўша пайтда Ўзбекистоннинг раҳбари учун жуда катта жасорат эди. Бу шўро ҳукумати таркибидаги мустамлака мамлакат раҳбари томонидан қабул қилинган мустақил қарор эди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бу қатъияти ўзбек офицерларида ҳам юртга қайтиш умидини уйғотди. Гап шундаки, у пайтда ҳарбийлик касбини танлаганларнинг аксарияти ҳам ўз юрти ва элидан узоқларда ишлашга мажбур эди. Хусусан, ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбеклардан чиққан офицерлар собиқ шўро салтанатининг Ўзбекистондан олис ҳудудларига юборилган бўлиб, Туркистон ҳарбий округида атиги иккита ўзбек генерали бор эди. Умуман, маҳаллий кадрлар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар таркибида фаолият юритаётган офицерларнинг бор-йўғи 0,6 фоизинигина ташкил этарди.

Лекин "Ўзбекистонлик йигитлар фақат Ўзбекистонда хизмат қилади", деган дадил фикр чиндан ҳам айтилган эди. Бугина эмас, ҳатто мамлакат ҳарбий қисмларидаги кадрлар масаласи айнан шундай оғир шароитда бўлган, республика армияси тўлалигича "марказ"га бўйсуниб турган бир пайтда **Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинди.** Ва энди ҳақиқатан ҳам "Ўзбекистонлик йигитларнинг фақат Ўзбекистонда хизмат қилиши" биз учун сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Зеро, аксарият аскарлари "бегона" армия билан эндигина амалга ошган асрий орзу — Истиқлолни ҳимоя қилиб бўлмасди.

1991 йил 6 сентябрида бир ҳафталик чақалоқ давлат — Мустақил Ўзбекистон ўзининг миллий армиясини ташкил этди. Президентнинг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилди. 1992 йилнинг 14 январида эса юртимиздаги барча ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтгани эълон қилинди. Табиийки, бу хабар кўпларни шошириб қўйди Шу пайтга қадар ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилинишига жиддий эътибор бермай келаётганларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. "ГКЧП воқеалари"нинг ҳали босилиб улгурмаган шов-шувларидан ҳамон сармаст юрган "марказ" генераллари Ўзбекистон раҳбарларининг бундай жиддий ишларни шу қадар тез амалга оширишларини кутмаган эди. Улар зудлик билан Ўзбекистон ҳудудидаги барча ҳарбий техникани олиб чиқиб кетиш пайига тушиб қолишди. Аммо "уларнинг поезди кетиб бўлганди". Энди Ўзбекистоннинг эгаси бор, энди бу юрт учун ташқаридан қарор қабул қилинмайди.

Аксинча, Ўзбекистон раҳбарияти эндиликда хорижда хизмат қилаётган ва ватанига қайтиш истагида бўлган ўзбекистонлик ўғлонларни юртга қайтариш учун Россиянинг турли шаҳарларига аллақачон махсус делегациялар юбориб улгурган эди. Тез орада уч юздан ортиқ офицер Ўзбекистонга олиб келинди...

Албатта, юқоридаги ҳикоямизда эслаб ўтганимиз майор ҳам ҳеч қийналмай Маҳмуджон амакига берган сўзининг устидан чиқа олди. Шукуржон ҳарбий хизматнинг қолганини Чирчиқ шаҳрида давом эттирди.

Шукуржон бугун ҳам ўз аскарлик даврининг ўша бегона юртларда ўтказган дастлабки бир йилини эслашни ёқтирмайди. Аксинча, мустақил юртимизнинг ҳар бир ютуғи, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган ҳар бир янгилик уни ҳаммадан кўра кўпроқ мамнун этади. Бир сўз билан айтганда, Шукуржон Истиқлол деб аталмиш буюк ҳуқуқнинг том маънодаги қадрини илк кунданоқ англаган йигит.

"Ватанга қасамёд" ҳайкали олдида ўғлимнинг бошини силаб туриб "бу ерда қасамёд қилиш бахти сизларга насиб қилди, ўғлим" дегани ҳам унинг учун баландпарвоз гаплар эмас. Бу унинг юраги тубидаги аламли дарднинг эзгу ният билан йўғрилган сокин ҳайқириғи эди.

Тўлқин ПЎЛАТОВ

"Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир. Яъни ҳар қайси халқ ва жамиятнинг... ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш, бизга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган қудратли Қуролли Кучларимизга эга бўлишимиз керак.

Нега деганда ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат қилишга, бўйин эгишга мажбур бўлади".

Ислом КАРИМОВ

Адлия почтасидан

Ҳуқуқий маданият — қонунчилигимизга ҳурмат билан қараш, уни ўрганиш, ижро этиш, такомиллаштириш, ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ишларида фаол қатнашиб, демократик давлатни барпо этишда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишдир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ —

адолат, тенглик ва инсонпарварлик ғоялари уйғунлашган онг ҳосиласи

Аҳолининг ҳуқуқий онги, маънавиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" алоҳида аҳамиятга эга. Унда давлат идоралари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилган. Жумладан, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш, шу орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

Бу йўналишдаги ишларга давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг яна бир ифодасини Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу Қонуннинг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида, болада ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, деб белгиланган.

Жамиятни усиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқнинг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксак бўлса, давлат ва ҳуқуқ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши ҳам шунчалик юқори бўлади. Зеро, ҳуқуқий онг — фан, маданият, урф-одат ва бошқа қадриятлар каби ижтимоий онг сарчашмаларидан биридир. Унинг асосий мазмуни, бир томондан, ҳуқуқни тушуниш, уни чуқур билиш ва ўзлаштиришни англатса, иккинчи томондан, англаб олинган ҳуқуқий ҳужжат ёки нормага нисбатан ўз муносабатини билдиришни, унга риоя этишни англатади. Демак, ҳуқуқий маданият — адолатлилик, тенглик, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ҳуқуқий онг бўлиб, у яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, овқатланиш, даволаниш, тозалик ва озодалик қоидаларига ҳам тўла итоат этишдир. Шундай экан, у ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётига, турмуш тарзига кириб бориши ва давлат ҳамда жамият тараққиёти учун хизмат қилмоғи шарт. Бундан ҳатто оддий кишилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари, Конституция, меҳнат, фуқаролик, мулк, мерос, жиноят, оила ва бошқа масалаларга доир қонунлар билан танишган бўлишлари лозим деган хулоса келиб чиқади.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқий маданият ва юксак ахлоқ-одоб нормаларига эга инсонлар нечоғли кўп бўлса, мамлакатда бирлик, аҳиллик, осойишталик янада мустаҳкам қарор топиб, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари бошқаларники билан адолатли тарзда уйғунлашиб бораверади.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Сўраган экансиз

Ишончнома қандай тузилади?

Даволаниш учун чет элга бормоқчиман. Шу боис ишларимни юритадиган кишига ишончнома қолдирмоқчиман. Бу масалада кимга ва қай йўсинда мурожаат қилишим мумкин?

Ф.ЧОРИЕВ
Бухоро вилояти

Фуқароларимиз вақтинчалик чет элга чиққанларида бошқа кишилар уларнинг ҳужжатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан турли ташкилотларга мурожаат қилишига тўғри келади. Бундай вақтда қонуний вакил (ишончли вакил)га нотариал тасдиқланган ишончномани қолдиришнинг ўзи кифоя.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141-, 142-моддаларига асосан нотариус бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни гувоҳлантиради. Ишончнома матнида ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши керак. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга тузилиб, автотранспорт воситаларини бошқариш, пенсия ва нафақалар ҳамда пул жамғармаларини олиш учун берилади.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ишончли вакилга ишончнома берган шахс истаган вақтида ишончномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Саволга Қоровулбозор туман давлат нотариал идораси нотариуси Фарҳод ОДИЛОВ жавоб берди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" VI миллий мукофоти халқаро танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

ИЗЛАНИШГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Гуломов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий журналистикани янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» миллий мукофоти ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Мазкур танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, уларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувни шакллантириш имконини берадиган.

Ушбу танлов журналистика соҳасида — телевидение, радио, матбуот, интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда «Олтин қалам» VI миллий мукофоти учун танловда йигирма еттита — битта бош мукофот, ўн икки асосий ва ўн тўртта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилди. Бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан анча юқоридир. Рағбатлантирувчи номинациялардан бири «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун» берилади. Танловга материаллар оммавий ахборот воситалари жамоалари ва ходимларидан, ижодий уюшмалардан, нодавлат нотижорат журналистик ташкилотлардан, шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.

Танловнинг бу йилги мукофот жамғармаси қарийб 150 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилги мукофот фонди миқдоридан 37 миллион кўпдир. Айни пайтда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби бир қатор халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари томонидан ҳам мазкур танлов доирасида турли номинациялар таъсис этилган.

Йиғилишда «Олтин қалам» VI миллий мукофоти халқаро танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ишлар кўриб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тақдимот

Туҳфа

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ёш ижодкорларнинг яқинда "Noshir" нашриётида чоп этилган «Олтин кўприк» тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ва адиблар, мунаққидлар иштирок этиб, ёшларнинг ижод намуналари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шоир Мирпўлат Мирзо ёшлар шеъриятига оид, адабиётшунос олим Баҳодир Каримов уларнинг қаламига мансуб насрий асарлар хусусида ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар, ютуқ ва камчиликларини мисоллар билан кўрсатиб берди.

Ёшликка хос шижоат уфуриб турган мазкур тўплам китобхонларга муносиб туҳфа бўлса, ажаб эмас.

Фахриддин РАҲИМОВ

Янги қўлланмалар

Сўз фикрлашга чорлайди

Сўз — бебаҳо гавҳар. Сабаби барчанинг жамики ички кечинмалари, изтиробларию қувончлари — шу оддийгина сўз орқали бор бўй-басти, бутун гўзаллиги билан намоён бўлади. Инсон кундалик ҳаётида ўзи одатланиб қолган аксарият нарсалардан воз кечиши мумкин. Аммо ҳаргиз сўзлашишдан эмас. Шу боис бу нодир неъмат олдидаги жавобгарлик, масъулият ҳисси барчамизнинг онгимизда доимо огоҳлик бонгини чалиб туриши лозим.



Ҳўш, бугун юртимизда сўзга, унинг шартли кўриниши бўлмиш ёзувга муносабат қандай? Албатта, қўлга киритилган ютуқлар талайгина. Аммо ҳалигача айрим эълон ва реклама матнлари, идора ва муассаса пешлавҳаларида, қўйингки, ҳатто исм-фамилиямизда ҳам қатор имловий хатолар учраётгани ачинарли ҳол. Уларнинг аксарияти лотин ёзувидаги имловий чалкашликлар эвазига филолог олимларимиз зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Бу борада Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент Равшан Жомоновнинг ўтган йилнинг сўнггида "Nishon-noshir" нашриётида чоп этилган "Х ми Ҳ" қисқача имло луғати ҳамда "Сўз ва масъулият" рисоласи ўқувчиларга, умуман кенг жамоатчиликка ўзига хос туҳфа бўлди, дейиш мумкин.

Шубҳа йўқки, адабий тилнинг имловий меъёрларини белгилашда, хусусан, унинг ёзма шаклидаги барқарорликни таъминлашда имло луғатлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, талаффузда йўл қўйиладиган ўзгаришларнинг шу ҳолича ёзувга кўчмаслиги доимо имло луғатларига бўлган талабни оширади. "Х ми Ҳ" қисқача имло луғати ўз таркибида Х ва Ҳ ҳарфлари иштирок этадиган сўзлар ва киши исмларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Сўз ва исмлар ўзбек крилл ва лотин алифболарида ёнма-ён ҳолда келтирилгани ўқувчилар аудиториясининг кўпайишига хизмат қилган.

Мазкур луғат мавжуд имломиздаги чалкашликларни бартараф этиш мақсадида тузилган бўлиб, ундан ўқувчилар, ўқитувчилар, талабалар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ундан фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик кундалик фаолиятларида фойдаланса фойдадан холи бўлмасди.

Р.Жомоновнинг "Сўз ва масъулият" рисоласида ҳам энг бебаҳо гавҳар — сўз ҳақида фикр юритилади. Мазкур китобда сўз ва ёзувларни амалиётда қўллаш борасидаги ютуқ ва камчиликлар, юртдошларимизнинг уларга муносабати, имловий тафаккур масалалари ёритилган. Ундаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларининг бажарилиши борасида, ижтимоий ҳаётимизга дахлдор айрим масалалар ҳақида баён қилинган фикр-мулоҳазалар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Рисоладан жой олган "Бухоро ва Хива сўзларининг тўғри шаклини биламизми?", "Кибрай, Куйлюк, Газалкент қаерда жойлашган?", "Фамилиямиз тўғри ёзилганми?", "Бунчалик камолот қайси тилда бор?", "Миллат маънавиятига доғ тушмасин" каби мулоҳазали мақолалар барчани фикрлашга, тилимиз билан билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга чорлайди.

Муаллиф "Эзгулик сари очилган йўл" мақоласида шундай ёзади: "Имловий саводхонлик нафақат шахсий, балки умуммиллий масаладир. Негаки, ушбу жараён анча мураккаб бўлиб, у доимо такомиллашиб бормоғи зарур. Бу жараёнда оилавий муҳит ва бошланғич синфларда эгалланадиган кўникмалар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада отаоналар ва ўқитувчиларнинг доимий назорати ўқувчида тўғри ёзув қоидаларининг шаклланиши ҳамда имловий саводхонликнинг ошишига сабаб бўлади. Айни пайтда ёзувни мукаммал эгаллаш орқали ўқувчида олам сирларига қизиқиш кучаяди, мустақил тарзда китоб ўқишга рағбати ошади".

Ушбу маънавий-маърифий қўлланмадан талаба ва ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбаачилар, она тилимиз ривожига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро фойдаланиши мумкин. Она тилимизнинг бебаҳо бойликлари: луғавий имкониятлари, услубий ранг-баранглик, терминологик тизим, имло қоидалари, сўз қўллаш меъёрлари, адабий талаффуз ҳақидаги мулоҳазалар билан суғорилган мазкур рисола ва қисқача имло луғати онамиздек ардоқлаб суйганимиз — тилимизга беэътибор бўлмаган барча қизиқувчиларга, шу жумладан ёш филологлар ҳамда журналистларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Иномжон АБДИЕВ

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Омонат тури	Муддати	Фоизи	Асосий шарти	Изоҳ
«18 ЁШГАЧА»	Камида 5 йил муддатга	Йиллик 14 %	Омонат болалар учун мўлжалланган, қўшимча омонат киритиш ҳуқуқи билан. Омонат омонатчи 18 ёшга тўлганида тўланади.	
«БАҲОР»	Муддати 3 ой	Йиллик 14 %	Фоизлар ҳар ойда ёки омонатнинг сақланиш муддати тугагандан сўнг берилади	
«ШОДЛИК»	Муддати 3 ой	Йиллик 24 %	Фоизлар ҳар ойда ёки омонатнинг сақланиш муддати тугагандан сўнг берилади.	Омонатлар 2010 йил 10 майдан қабул қилинмоқда
«ИСТИҚЛОЛ»	Муддати 3 ой	фоиз ставкаси капитализациясиз йиллик 26 %	Фоизларни ҳар ойда олиш мумкин	Омонатнинг энг кам миқдори чекланмаган.

ОАТ «Туронбанк»да қўйилган омонатларнинг қайтарилиб берилиши 100% давлат томонидан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида омонатчиларни сўғурталаш ва фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фондини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу фонд банк тизимининг барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг омонатларини қайтариб беришини таъминлайди.

ОАТ «Туронбанк» ўз омонатчиларига банк сирига амал қилинишини кафолатлайди, шунингдек, омонатга қўйилган маблағларини омонат муддати тугаши билан қайтарилишини таъминлайди.

Қўшимча маълумотлар учун: (+998 97) 700 55 55 ёки www.turonbank.uz сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

«Трастбанк»:

16 йиллик ривожланиш самараси

«Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки мамлакатимизнинг етакчи хусусий-тижорат банкларидан бири ҳисобланади. У, мана, 16 йилдирки, ўз мижозларига банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиб келмоқда.

TRASTBANK

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида банк секторининг мунтазам ривожланиши банк тарихида ўз аксини топган. 1998 йили «Трастбанк» ХОАББ Франция саноатига кўмаклашувчи ассоциациянинг "Олтин медаль" Европа фахрий мукофотига сазовор бўлган. 2005 йилдан бошлаб банк SWIFT тизимига уланиб, 2006 йилда МДҲ давлатларининг 1000 та йирик банклари рўйхатига киритилди. 2008 йили VISA International тўловлар тизимининг аъзолигини қўлга киритди ва 2009 йилдан бошлаб REUTERS халқаро дилинг тизимида ишлай бошлади. 2011 йил 1 январь ҳолатига «Трастбанк» ХОАББ ялпи активлари 396 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 45 фоизга кўпдир. Айни пайтда мазкур молия муассасаси ички ва ташқи банк операцияларининг деярли барча хизматларини қамраб олган кенг миқёсдаги фаолиятни юритиб, халқаро стандартлар даражасидаги хизматларни кўрсатиш имконини берувчи замонавий банк технологияларини ривожлантириб бормоқда.

Банк фаолиятининг устувор йўналишлари юридик шахсларга банк операцияларини амалга ошириш, ташқи савдо фаолияти, тижорий кредитлаш, чакана бизнесдан иборат.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш, ташқи бозорда уларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан иш кўриш «Трастбанк» ХОАББнинг яна бир устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, 2009 йилдан банкда REUTERS савдо тизими орқали халқаро дилинг операцияларини кўрсатиш, шунингдек, FOREX халқаро валюта бозорида операцияларни ўтказиш кенг қўлланила бошланди. Standard Chartered Bank (США), Commerzbank AG (Германия), Raiffeisen ZentralBank Osterreich AG (Австрия), Sberbank Rossii (Россия), ОАО Vneshtorgbank (Россия), Asia-Invest Bank (Россия), Promsvayzbank (Россия) каби банклар асосий банк корреспондентлари саналади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши сабабли тижорий кредитлаш учун қулай вазият пайдо бўлмоқда. Корпоратив мижозларни кредитлашда айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар, ишлаб чиқариш фаолиятини, инвестицион ва қурилиш лойиҳаларини кредитлаш каби универсал кредит маҳсулотлари банк томонидан кенг жорий этилмоқда. Активларни диверсификация қилиш, яъни кредит қўйилмаларини халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўналтириш тартиби сақлаб қолинмоқда.

«Трастбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи мижозларга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки кичик корхоналарни ривожлантириш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мамлакат тараққиётида муҳим омил саналади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши айни муддао бўлди.

Охирги йилларда иқтисодиётимиз ва аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши чакана молиявий хизматлар кўрсатиш бозори ривожланиши учун қулай имконият яратди. Бу борада «Трастбанк» ХОАББ мижозлар талабларини қондиришга, тақдим қилинаётган хизматлар сифати ва қамровининг барча замонавий талабларга жавоб беришига интилади. Мижозларга чакана хизматлар кўрсатиш уларнинг шахсий истеъмоли билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, банк ўз офисларини мижозларга қулай жойларда очиб, турли чакана хизматлар кўрсатишга ҳаракат қилади. Бугунги кунда «Трастбанк» ХОАББ таркибий тузилмасида 6 та филиал, шу жумладан, Наманган, Термиз ва Андижон шаҳарларида, 16 та мини банк, 4 та чакана хизматлар маркази, 14 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 22 та пул ўтказиш шохобчаси ишламоқда.

Омонат амалиётлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортиб боришидаги кўрсаткичлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда фуқароларнинг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимолий салбий оқибатларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шароитлар яратиш юзасидан банк секторини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. «Трастбанк» доимий равишда жисмоний шахсларга таклиф этиладиган депозитлар турини такомиллаштириб, аҳолининг турли эҳтиёжларига мўлжалланган миллий ва чет эл валютасидаги омонатларнинг қулай йўналишларини татбиқ этмоқда.

Информацион даража ва ўз мижозлари учун янги технологик жараёнларни жорий этиш банкнинг устун томонларидан бири ҳисобланади. «Трастбанк»да «Банк-мижоз» тизими кенг ишлатилиб, у мижозга иш жойидан ўз ҳисобварағини бошқариш имконини беради. Бундан ташқари, «SMS-банк» тизими мавжуд, бунда фойдаланувчи уяли телефони орқали «реал вақт» режимида банк ҳисобварағига тўғридан-тўғри кириб, ундан ахборот олиш мумкин. Қолаверса, банк биринчилардан бўлиб «Интернет-банкинг» хизматини жорий этди. Ушбу хизмат мижозларга дунёнинг хоҳлаган нуқтасидан банк ҳисобварағини Интернет тармоғи орқали бошқариш имкониятини яратади.

16 йиллик фаолияти давомида «Трастбанк» ХОАББ Ўзбекистон молия бозорида муқим ўрин эгаллаб, банк томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва профессионаллик даражасига юқори баҳо берган ҳолда мижозларининг ишончини қозониб келмоқда. Банк молия бозоридаги ривожланиш ва мижозларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўз молиявий маҳсулотлари тизимини такомиллаштирмоқда ва кенгайтирмоқда.

Бундан кейин ҳам «Трастбанк» барқарор кўрсаткичлар намоён этиб, ўзининг дадил ҳаракатини давом эттиради.

Дилшод ҲАМИДОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

АЭРОПОРТДАГИ ФОЖИА

Москванинг «Домодедова» аэропорти кутиш залида террорчи ўзини-ўзи портлатиб юборди. Бу хунрезлик оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 34 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, юзлаб йўловчи тан жароҳати олган.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, жароҳатланганларнинг 48 нафари оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилган. Уларга айни пайтда Москва шаҳри ва вилоятидаги шифохоналарда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Портлаш пайтида залда жуда кўп одам бўлган. Чунки ўша вақтда 15 та халқаро ва 15 та маҳаллий рейс самолётлари келиши кутилаётганди. Хабарда айтилишича, ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар орасида Италия, Франция, Буюк Британия, Молдова, Тожикистон ва бошқа давлатлар фуқаролари ҳам бор.

Прокуратура тергов ишларини бошлади. Маълумотларга қараганда, портловчи модданинг кучи 5 килограммдан 10 килограммгача тротил эквивалентига эга бўлган.

Россиянинг энг катта ҳаво дарвозасида содир этилган теракт муносабати билан чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар бошлиқлари мамлакат раҳбари Дмитрий Медведевга таъзия изҳор этишди. Жумладан, Германия канцлери Ангела Меркел расмий Берлин ҳар қандай ёрдамга тайёр эканини билдирди.

Президент Дмитрий Медведев мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари билан фавқулодда мажлис ўтказиб, жиноятчиларни тезлик билан топишни талаб қилди. Ҳозирча уч киши жиноятга шерикликда гумон қилиниб, қидирилмоқда.

МАШИНАЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида автобуснинг бензин ташувчи машина билан тўқнашиб кетиши туфайли 32 йўловчи ҳалок бўлди, 9 нафари жароҳатланди. Синьхуа агентлиги хабарига қараганда, тўқнашувда автобус ҳам, «бензавоз» ҳам ёниб кетган.

50 нафар йўловчиси бўлган автобус Карачи шаҳридан мамлакат шимолидаги Суккур шаҳрига кетаётган эди. РИА «Новости» хабарида айтилишича, тўқнашув туфайли келиб чиққан ёнғинда автобуснинг олд қисмида ўтирганлар кўпроқ жабр кўрган.

САМАРАСИЗ ЯКУНЛАНДИ

Истамбулда Эроннинг ядро дастури бўйича ўтган "5 плюс 1" гуруҳи (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Германия) йиғилиши муваффақиятсиз якунланди. Шундай бўлса-да, Оқ уй муаммони дипломатик йўл билан ҳал қилиш мумкин, деб ҳисобламоқда.

Олтилик учрашувида АҚШ делегациясини давлат котибининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Уильмс Бернс бошқарди. ИТАР-ТАСС мухбирининг Истамбулдан тарқатган хабарида айтилишича, Эрон делегацияси Бернснинг икки томонлама учрашув тўғрисидаги таклифини рад этган.

Эслатиб ўтамиз, бир неча йилдан буён Эроннинг ядро дастури бўйича олтилик музокаралари давом этмоқда. Лекин бир қарорга келиб бўлмаяпти. Эрон ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланмоқчи. АҚШ ва бошқа давлатлар эса бундан хавотирда. Уларнинг фикрича, Эрон ўз атом бомбасини яратмоқчи.

КУТИЛМАГАН СОВУҚ ТУФАЙЛИ

Ҳиндистоннинг шимолида ҳавонинг бирдан совиб кетиши ва қор ёғиши туфайли 24 киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, кутилмаган қор йўлларда машиналар қатновини ҳам издан чиқарди. Совуқдан асосан Кашмир, Харьяна, Панжоб, Уттар-Прадеш ва мамлакат пойтахти Деҳли катта зарар кўрди.

Қалин туман туфайли Деҳлида ер усти ва ҳаво транспортида узилишлар содир бўлди. Шаҳарда ҳаво ҳарорати 7 даража совуқни ташкил этди. Бу Деҳли шаҳри учун қаттиқ совуқ ҳисобланади. Сабаби кўплаб кўпқаватли биноларда иситиш тизими мутлақо йўқ.

Кашмирдаги Лехе шаҳрида Ҳиндистон учун рекорд даражада совуқ қузатилди. Бу ерда ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича минус 23 даражани ташкил этди.

КИМОШДИДА ВИНО САВДОСИ



Гонконгдаги "Sotheby`s" савдо уйида ўтган кимошди савдосида Буюк британиялик машҳур композитор Эндрю Ллойд-Уэбберга тегишли винолар 3,5 миллион фунт стерлинг (5,6 миллион доллар)га сотилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, 746 лотга қўйилган винолар бирпасда сотилиб кетган.

Дунёга машҳур мюзикллар асосчиси Ллойд-Уэббер ўсмирлик йилларидан вино коллекцияларини йиғишни бошлаган. Ҳозирга келиб эса винолари уйига сиғмай қолган. Шунинг учун у ичимликларининг бир қисмини сотишга қарор қилган.

«Гонконгда француз виноларини жуда қадрлашади, — деди «Sotheby`s»нинг вино секцияси бошлиғи Серена Сатклифф. — Шунинг учун савдони биз айнан Гонконгда ўтказишга қарор қилдик.»

Шарҳ

Инсоният ўз оёғига болта урмоқда

Инсоният яралгандан буён табиат қўйнида яшаб келади. Шунинг учун ҳам биз уни "она табиат" деб атаймиз, гўзаллигидан завқланамиз. Лекин шу билан бирга, минглаб йиллардан буён унга зарар ҳам етказиб келяпмиз. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Дунё яралгандан буён ер юзидан неча минглаб турли жониворлар, қушлар, сув ҳайвонлари йўқ бўлиб кетди. Яна қанчаси йўқ бўлиш арафасида турибди. Аслида уларнинг барҳам топишига жуда кўп ҳолларда инсониятнинг ўйламай ташлаган қадами сабаб бўлмоқда.

Сўнгги юз йилликда саноатнинг ривожланиши туфайли табиатга етказилган зарар бир неча баравар ошди. Натижада кўплаб табиий офатлар юз бермоқдаки, уни олимлар экологик ҳалокат деб атамоқдалар. Қуйида сўнгги эллик-олтмиш йилда рўй берган энг йирик экологик ҳалокатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1957 йилнинг 29 сентябрь куни Челябинск яқинидаги "Маяк" плутоний комбинатида радиоактив чиқиндилар солинган контейнерда портлаш содир бўлди. Натижада 23 квадрат километр масофадаги майдон зарарланди. Нурланиш оқибатида 8 минг киши ҳаётдан кўз юмди. 3 минг киши ҳозир ҳам ўша хавфли ҳудудда яшамоқда. Мазкур ҳалокатдан буён ушбу туман дунёдаги энг экологик хавфли жой бўлиб турибди. Энг ачинарлиси, бу ҳалокат ҳақидаги маълумотлар узоқ йиллар давомида оммадан сир сақлаб келинди.

1969 йилнинг 28 январь куни Калифорния штатининг (АҚШ) Санта-Барбара каналидаги нефть платформасида содир бўлган ҳалокат туфайли денгизга нефть қуйила бошлади. Ўн бир кунда бир миллион литрга яқин нефть сувга қўшилиб кетди. Унинг денгиз ҳайвонлари ва атроф-муҳитга етказган зарарининг эса ҳисоби йўқ.

Ўша йилнинг 2 июнь куни германиялик табиатшунослар Рейн дарёсида балиқлар оммавий ўла бошлаганини аниқлашди. Маълум бўлишича, икки йил бурун дарёга тиодан моддаси бор иккита 25 литрлик идиш тушиб кетган. Орадан икки йил ўтгач, идишлар ёрилиб, ундаги кимёвий модда дарёга ёйилган. Бунинг оқибатида қисқа фурсат ичида кўплаб балиқ турлари йўқ бўлиб кетди.

1976 йилнинг 10 июлида Италиянинг Севезо шаҳридаги кимё заводида диоксиннинг заҳарли булути ҳавога чиқиб кетган. Бир ҳафта ичида шаҳар аҳолиси бутунлай бошқа жойга кўчирилади. Шундан сўнг 16 йил давомида бу шаҳарда ҳеч ким яшай олмади.

Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳридаги ҳалокатни инсоният ҳеч қачон эсидан чиқармаса керак. 1984 йилнинг 2 декабридан 3 декабрига ўтар кечаси юз берган бу экологик фожиа туфайли уч кун ичида 3 минг одам ҳалок бўлди. 20 минг киши кўр, яна шунча одам шол бўлиб қолди. Беш километр радиусдаги барча қуш ва жониворлар қирилиб кетди. 170 километр радиусдаги дарахтлар ва ўсимликлар қовжираб қолди. Бир сўз билан айтганда, табиатга жуда катта зарар етди. Ўшанда шаҳардаги пестицид заводида одамларни бўғадиган ва кўр қилиб қўядиган метилизоцианат гази ҳавога чиқиб кетганди.

1986 йилнинг 1 ноябрь куни "Сандоз" фармацевтика компанияси омборида ёнғин содир бўлди. Бу ерда сақланаётган минг тонна кимёвий модда Рейн дарёсига қуйилди. Табиатшунасларнинг қайд этишича, ушбу ҳалокат туфайли миллионлаб тонна балиқ қирилиб кетди, ичимлик сув яроқсиз ҳолга келди.

Албатта, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат инсоният бошига тушган энг йирик экологик кулфатлардан бири сифатида тарих варақларидан жой олган. 1986 йилнинг 26 апрелида рўй берган фожиа оқибатида 31 киши шу пайтнинг ўзида вафот этган. Нурланиш натижасида эса кейинроқ 2 минг нафар аҳоли ҳаётдан кўз юмди. Маълумотларга қараганда, бу ҳалокат туфайли зарарланганлар сони 1 миллион 700 минг нафарни ташкил этади. Ҳозир ҳам миллионлаб одамлар Чернобиль фожиаси туфайли майиб-мажруҳ кун кечиришга мажбур.

Экологиянинг бузилиши билан боғлиқ йирик ҳалокатларга Орол денгизи фожиасини ҳам киритиш мумкин. Шўро сиёсатчиларининг ўйламай ташлаган қадамлари туфайли минглаб йиллар давомида Марказий Осиёнинг об-ҳавоси ва экологиясини тартибга солиб турган катта денгиз ярим асрда қуриб битди. Бугун денгиз ўрнидан кўтарилаётган туз ва қум зарралари минглаб километр масофага етиб, одамлар саломатлигига хавф солмоқда. Ернинг туз босишига сабаб бўляпти.

Экологик ҳалокатлар рўйхатига назар ташлайдиган бўлсак, нефть туфайли содир бўлганлари анчагина экани аён бўлади. 1989 йилнинг 25 март куни Аляскани-нинг Шаҳзода Уилям қўрфазида "Вальде" танкери ҳалокатга учраши туфайли 30 минг тонна нефть денгизга қуйилади. Натижада 2400 километрлик қирғоқ ифлосланади.

1991 йилда Ироқ — Қувайт уруши туфайли Қувайтга тегишли 732 та нефть кони ёқиб юборилди. Натижада нефть қазиб олишдаги шошма-шошарлик ва палапартишлик туфайли 816 минг тонна нефть денгизга қуйилди. Нефть конлари ёниши туфайли пайдо бўлган тутун эса бир йилгача Форс қўрфази осмонини тарк этмади.

Ниҳоят, жорий йилнинг баҳорида Мексика қўрфазида юз берган ҳалокатни бир эслаб кўрайлик. Нефть платформасининг портлаб кетиши туфайли бир неча ой нефть денгизга қуйилиб турди. Натижада АҚШнинг қўрфаз билан чегарадош тўртта штатида экологик ҳалокат юз берди. Табиат, ҳайвонот оламидан ташқари аҳоли ҳам катта зарар кўрди.

Кўриниб турибдики, биз юқорида санаб ўтган экологик ҳалокатларнинг барчасига инсоният айбдор.Бу ҳалокатлар унинг очкўзлиги, масъулиятсизлиги, табиатга шафқатсизларча муносабати туфайли келиб чиқмоқда. Бошқача айтганда, одамзот ўз оёғига ўзи болта урмоқда. Албатта, булар беиз кетмайди. Кейинги йилларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши, турли жойларда содир бўлаётган сув тошқинлари шундан далолат.

ТАНКЕР ОЗОД ЭТИЛДИ

Малайзиялик ҳарбийлар Ҳинд океанида «Бунга Лорель» танкерини озод қилиб, етти нафар қароқчини қўлга олишга муваффақ бўлишди.

Малайзия ҳукумати вакилининг айтишича, воқеа Уммон денгиз қирғоқларидан 500 километр узоқликда содир бўлган. Танкер Аден қўрфазидан океанга чиқаётган пайтда унга қароқчилар ҳужум қилган. Танкернинг 23 экипаж аъзоси хавфсиз жойга яширинишга мажбур бўлган ва ўзларидан 22 километр узоқликда бўлган ҳарбий кемадан ёрдам сўраган. Шундан сўнг кема бортидаги вертолёт ёрдамга етиб келган ва кемани қутқариб олган.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, қутқарув амалиёти пайтида уч нафар қароқчи тан жароҳати олган. Ҳарбийлардан ҳеч ким зарар кўрмаган.

NABUCCO УЧУН КРЕДИТ



Болгария Nabucco газ қувурини қуриш учун Европа инвестиция банкидан 1,2 миллиард евро кредит олади. Бу хабарни мамлакат бош вазири Бойко Борисовнинг сўзларига асосланиб, Bloomberg тарқатди.

Nabucco лойиҳаси акционерлари — RWE, OMV, Mol, Bulgargaz, Transgaz ва Botas 30 фоиз харажатларни ўз ҳисобларидан қопламоқчи. Таннархи 7,9 миллиард евро турадиган Nabucco газ қувури йилига 31 миллиард кубометр газ ўтказиш қувватига эга бўлади. 3,3 минг километрлик газ қувури Каспий бўйидан Кавказ, Туркия орқали Австриягача етиб келади. Унинг қурилиши 2012 йилда бошланиб, 2015 йилда тугаши режалаштирилган. Аммо айрим сиёсатчилар қурилиш чўзилиши мумкинлигини айтишмоқда.

БАҒДОДДА ЯНА НОТИНЧЛИК

Ироқ пойтахти Бағдоднинг тўрт жойида бир вақтда портлаш содир этилди. Бу хунрезлик натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмди, 33 киши тан жароҳати олди. «Асуат аль-Ироқ» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, ҳар тўрт жойда ҳам машина портлаган. Мухбирнинг таъкидлашича, портлашдан бири Эрондан келган зиёратчиларга қаратилган эди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтларда мамлакатда кўплаб портлашлар содир бўляпти. Биргина ўтган пайшанба куни Карабалада содир этилган икки портлашда 52 киши ҳалок бўлди, 200 нафарга яқин киши жароҳатланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Дунё матбуоти саҳифаларида

Die Presse (Австрия)

ИНВЕСТОРЛАР ЯНА ИШОНИШМОКДА

«Бирмунча муддат давом этган ишончсизликдан сўнг чет эллик инвесторлар яна Россияга ишона бошлади, — дея бошлайди газета мухбири Эдуард Штайнер ўз мақоласини. — «PepsiCo» концерни ўзининг Россиядаги рақобатчиси «Вим-Бильданн»ни сотиб олган бўлса, Буюк Британиянинг BP нефть компанияси «Роснефть» билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади. Ўтган пайшанба куни АҚШнинг «General Atlantic» молиявий инвестиция концерни антивирус дастурлар муаллифи Касперский лабораторияси акцияларини харид қилди».

Мухбирнинг таъкидлашича, Касперский лабораторияси нефть ва газ тармоғига қараганда ҳам фойдали ҳисобланади. У халқаро бозорда ўз мавқеига эга. Экспертлар унинг бозор баҳоси бир миллиард доллардан юқори эканини таъкидлашмоқда. Компания директорлар кенгаши раиси Наталья Касперскаянинг айтишича, лаборатория аллақачон халқаро ҳамкорга айланган. Аммо унга халқаро бозорга чиқиш учун халқаро сармоя керак.

Штайнер мақоласи сўнггида Россия иқтисодига янги ҳаракатлантирувчи куч керак, дейди. Чунки 2010 йилда мамлакат иқтисодиётида бор-йўғи 3,8 фоиз ўсишга эришилди. Капиталнинг оммавий равишда четга чиқиб кетиши эса Россиядаги энг катта муаммо. Биргина ўтган йилнинг ўзида 38,3 миллиард АҚШ доллари четга чиқиб кетган.

The Los Angeles Times (АҚШ)

ТУНИСДАГИ ВОҚЕАЛАР МУҲОКАМАСИ

Газетада Тунисдаги воқеаларга бағишланган мақола босилиб чиқди. Унда айтилишича, Мисрнинг Шарм-эш-Шайх шаҳрида бошланган Араб давлатлари иқтисодий саммитида Тунисдаги тўполонлар ва мамлакат президентининг лавозимидан кетиши масаласи ҳам муҳокама қилинган.

Саммитда Араб Давлатлари Лигаси раҳбари Амир Мусо сўзга чиқиб, «Камбағаллик ва ишсизликдан жабр чекаётган одамларни кўрганингда ичинг ачийди. Тунис воқеалари энди бундай яшаб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди», деди. Бундан ташқари, Лигага аъзо давлатлар раҳбарлари ҳам араб дунёсида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақида куюнчаклик билан гапирдилар. Тунисдаги вазият бошқа давлатларда такрорланмаслигига кафолат йўқлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Қувайт ташқи ишлар вазири Муҳаммад ас-Сабаҳ ас-Салим ас-Сабаҳнинг қайд этишича, «Бундай вазиятларда ишончли ишлаши керак бўлган араб тизими ишламаяпти, натижада мамлакатлар бўлиниб кетяпти, халқларнинг ҳуқуқлари бузиляпти ва улар қўзғолон кўтаряпти».

Frankfurter Allgemeine (Германия)

ЯНГИ ПАРТИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

Газета мухбири Михаэль Людвиг ўз мақоласида немис жамоатчилиги эътиборини Россиядаги муҳолифатга қаратади, Борис Немцов, Михаил Касьянов, Владимир Рижков ва Владимир Милов томонидан ташкил этилган «Халқ озодлиги партияси» фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг таъкидлашича, янги партия Владимир Путин дастлаб ҳокимият тепасига келган пайтдаги сиёсатни давом эттирмоқчи.

Яқинда Владимир Путин янги партия фаолиятига тўхталиб, унинг асосчилари ҳақида салбий фикр билдирди. Путиннинг айтишича, уларнинг ҳаммаси шу пайтга қадар ҳокимиятда бўлган ва миллионларни ўмарган. Энди яна ҳокимиятни эгаллаб, чўнтакларини тўлдиришмоқчи.

Газета мухбирининг ёзишича, Путиннинг бу гапи учун муҳолифатчилар судга мурожаат қилишган. Аммо улар мақсадларига эриша олмайди, дейди мухбир. Ҳатто партиянинг келажагига ҳам ҳеч ким ишонмайди.

The Independent (Буюк Британия)

ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛАДИМИ?

Газетанинг ёзишича, Франция парламенти чекишни тарғиб қилувчи суратларни тақиқлаш тўғрисидаги қонунга ўзгартиш киритиш ташаббуси билан чиқди. Сабаби 1991 йилда қабул қилинган мазкур қонун талаби билан кўплаб машҳур кишиларнинг суратларига ўзгартиш киритишга тўғри келяпти.

1996 йили мамлакат почта хизмати таниқли ёзувчи Андре Маоронинг севимли сигаретини чекиб тушган суратидан сигарет тасвирини олиб ташлаб, марка чиқаришга мажбур бўлди. Француз экзистенциалисти Жан-Поль Сартрнинг ҳам чекиб турган машҳур сурати бор эди. Файласуфнинг 100 йиллигига бағишланган кўргазмага шу сурат қўйилганда, одамлар кўриб ҳайрон қолишди. Чунки Сартрнинг лабидаги сигарет тасвири ўчириб ташланган эди.

Бундан ташқари, яна кўплаб таниқли кишиларнинг сурати ҳам шундай бузилишлар билан эълон қилинди. Хулласи, бу каби ҳолатлар охир-оқибат қонун қабул қилганларни ҳам ўйлашга мажбур этди.

Социалистик партия аъзоси Дидье Матуснинг айтишича, бу ҳолат фақат тоталитар тузумга хос ҳодиса ва тарихни бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Тарихий асарларга эса эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Айтганча, у таклиф этган лойиҳа бўйича тамаки компаниялари бундан буён ҳам сигаретларни сотиш учун Сартр суратидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Аммо кинокомпания ва музейлар чекаётган файласуфнинг суратидан ўз фильмлари ва кўргазмалари тарғиботида фойдаланиши мумкин.

Яқинда бу ўзгартиш парламентнинг қуйи ва юқори палаталарига юборилади. Агар ўзгартишлар тасдиқланса, кино ва кўргазмаларда машҳур одамларнинг чекиб тушган суратлари асли ҳолатида қолади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Оғриқ нуқталар

Бирни кўриб фикр қил...

Гоҳида хизмат юзасидан тўйларда ёш келин-куёвларга никоҳ гувоҳномасини топшираётганимда, икки ёшнинг бошини қовуштириш ниятида яхши орзу-ниятлар билан идорамизга қадам ранжида қилган бўлғуси қайнона-қайноталар билан суҳбатлашганимда, арзимаган латта-путталарни талашиб ёки келин сарпою куёв сарполардаги «кемтик»-ларни деб бир-бирини ерга ураётган қудалар ҳақида эшитганимда беихтиёр ўйланиб қоламан. Фарзандлар баҳона қариндошлик ришталарини боғлаган етти ёт бегона қудалар бир-бирлари билан опасингилу ака-укадай бўлиб кетишадими? Қудаандачилик капалак умридек бир кунлик бўлмаслиги учун нималарга эътибор қаратиш керак, деган саволлар чарх уради миямда.

Ҳаётга разм солсангиз қудачиликка раҳна солаётган иллатларни илғаш қийин эмас. Чунончи, қудаларнинг бир-бирлари билан номутаносиблиги, яъни мансаб, пул, обрў жиҳатдан бир-бирларига унчалик мос тушмагани ўртага совуқчилик тушишига сабаб бўладиган иллатлардан бири. Шунинг учун тенг-тенги билан деган гап бежиз айтилмаган. Бу — бировни пастга уриш, обрўсини тўкиш эмас, аксинча турмуш қуришда ҳам, қуда танлашда ҳам, ҳаттоки дўст тутинганда ҳам ўз тенгини топса, мақсадга мувофиқ бўлади дегани, холос.

Қудачиликка раҳна солаётган иллатлардан яна бири — ака-ука, опа-сингил, амма-жиянларнинг ўзаро қуда-анда бўлишидир. Тиббиётда ҳам таъкидлаб ўтилганки, бир-бирига яқин қариндошлар фарзандларининг турмуш қуриши туғилажак фарзандларнинг ногирон бўлишига олиб келади. Бу ҳаётда кўп бор исботланган. Афсуски, шунга қарамай, ҳали-ҳануз бундай ҳолатлар тез-тез учраб турибди.

— Мен акам билан қуда бўлдим, — деди узоқ танишларимдан бири. — Узоқдан қиз қидириб нима қиламан? Ўзимизники, синашта. Кўз остимда катта бўлган. Қўлида гулдай ҳунари бор.

Мен секингина тушунтиришга ўтдим:

— Яхшику-я, аммо уларнинг келажагини, туғилажак фарзандларини ўйлаганингизда бўлармиди... Ёш оилада келишмовчиликлар бўлиб туради. Ўшандай пайтларда сиз ўғлингизнинг, акангиз эса қизининг ёнини олиб, бир-бирингиз билан хафалашиб қолмайсизларми ишқилиб?..

Аёл ишонч билан гапирди:

— Йўғ-е, акам тилло йигит. Биз бир-биримиз билан ҳеч қачон нари-бери бўлмаганмиз. Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кўп ўтмай тасодифан яна ўша танишимни кўриб қолдим.

— Кеча тўй бўлиб ўтди. Бир чиройли, данғиллама тўй бўлдики. Келин билан куёвни кўрсангиз эди. Ўғлим мисли шаҳзода, келиним эса оппоқ либосда гўё маликанинг ўзи бўлди-я.

Аммо бандасининг эмас, балки Яратганнинг айтгани бўлар экан. Орадан бир йил ўтгач, ўша орзу-ниятларга бурканган, ўз жигаргўшаси билан қуда тутинган аёлни суд идорасининг остонасида кўрдим. Юзлари афтодаҳол, сочлари тўзғиган, қўлида эса ногирон бола. Илгариги қувончидан асар ҳам йўқ.

У мени кўрди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Акам билан қуда бўлмай мен ўлай. Нимага ўшанда сизнинг гапингизга кирмадим? Мана, оқибати нима бўлди? Тўйдан кейин улар анчагача яхши яшашди. Лекин ҳаммаси неварам — мана бу бола туғилгандан кейин бошланди. Чунки у ногирон. Ўғлим ҳам, келиним ҳам соппа-соғ. Шифокорлар қариндошлик натижаси дейишди. Уйда ҳар куни жанжал. Ўғлим айбни хотинига, хотини эса ўғлимга ағдаради. Энг ёмони, биттаю-битта акам билан юзкўрмас бўлиб кетдик. Энди судга ариза бериб, болаларимизни ажраштиряпмиз...

Мамлакатимизда янги — маданий-маърифий жиҳатдан онги ривожланган авлод шаклланиб вояга етмоқда. Шундай кезда биз ҳам ўғил-қизларимиз тақдирини ўйлаб, узоқни кўзлаб катта-кичик билан кенгашиб, иш тутсак, қудаанда танлаётганда чуқур, атрофлича ўйлаб иш юритсак, айни муддаодир. Ахир халқимиз «Етти ўлчаб, бир кес», деб, бекорга айтмайди. Бу ўзимизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам келажаги учун ғоятда муҳим масала. Зеро, қудачилик-минг йилчилик деган нақл бежиз айтилмаган.

Барнохон РАСУЛОВА,
Андижон туман ФҲДЁ бўлими мудири

Азал-азалдан халқимиз топганини эл билан баҳам кўрадиган танти фазилатга эга. Бир-биридан ҳиммат кўрса: топганингиз тўйга буюрсин, деб дуо қиладиган одатларимиз бор. Ҳақиқатда ҳам шундай. Бирор баҳона топилса бас, дарҳол тўю тантаналарни бошлаб юбораверамиз. Бир жиҳатдан олганда бунинг ёмон томони йўқ, аммо ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши. Тўй қилишим керак экан, деб исрофгарчиликка йўл қўйиш, бола-чақанинг ризқидан қийиб, қарз-қавола қилиб бўлса-да, эл кўрсинга топганини тўкиб сочиш инсофдан эмас.

Тўйлаймиз-да, ўйлаймиз

Жамоатчиликнинг тўй-маъракаларини ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш ҳақидаги матбуотдаги чиқишлар, айтилган фикр ва мулоҳазалар сабаб одамлар онгида бир талай ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳозир аввалгидек уч-тўрт кунлаб, ҳафталаб тўй қилиш йўқ. Қиз оши, чаллар, суннат тўйлари, шунингдек, дафн маросимларидаги йигирма, қирқ, ҳайит, йилоши, ифторлик, кирювди, етти, гул каби маросимлар ихчамлашди, ҳатто айримлари бутунлай урфдан чиқиб кетди. Аммо...

Ҳаммага маълумки, никоҳ базмлари одатда кечки пайтда бошланиб, уч-тўрт соат давом этади. Тўйхонадан таралаётган куй-қўшиқлар, шовқин-суронлар ён-атрофда яшовчи аҳолига халал беради, тинчини бузади. Айрим тўй эгалари эса буни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор, албатта. Улардан бири, бизнингча, қудалар ўртасидаги олдиберди (аксарият тўйларда қуда чақириқ каби маросимлар ҳам никоҳ базмига қўшиб ўтказилмоқда)лар бўлса, иккинчиси, эҳтимолки, энг асосийси, таклиф этилган хонандаларнинг чиқишлари поёнига етмаётгани бўлса керак.

Негаки, кейинги пайтларда тўйларга навбатчи хонанда таклиф қилинган бўлишига қарамай, халқ таъбири билан айтганда, «бирров»га келиб-кетувчилар ҳам чақириляпти. Бу борада, айниқса, айрим санъаткорлар тўйларида ўзлари «ибрат» кўрсатмоқдалар. Уларнинг тўйлари галаконцертларни эслатиб юбормоқда. Ҳатто кўпинча санъаткорлар кўп бўлганидан навбат талашиб, ўзаро жанжаллашиб кетишларига ҳам бир баҳя қолади.

Фарғона водийсидаги айрим шаҳарларда тўйхоналарга қўлтиғига диск қистириб келадиган хонандалар умуман қабул қилинмас экан. "Тўйда хизмат қиламан" деган ҳақиқий санъаткор фақат жонли ижрода ўз санъатини намойиш этиб, меҳмонларнинг кўнглини хушнуд қиларкан. Кошки, бу ташаббус оммалашиб кетса..

Мана, жонажон Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллигига қадам қўйдик. Жаҳон аҳлининг, дўсту душманнинг назари бизда. Улар урф-одатларимизни ҳам, турмуш тарзимизни ҳам ўз қаричлари билан ўйчайди. Шундай экан, тўйларимиз ҳам миллий қадриятларимизга мос, ҳақиқий ўзбекона бўлса яхшийди.

Мурод КАЛОНХОН,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Азиз газетхонлар, бу мақолалар таҳририятимизга ҳар хил вақтда келган, мавзу эса битта — тўй-маърака, издиҳом савдолари. Сизнинг бу ҳақда фикрларингиз қандай? Ахир, ёшларимизга йўл-йўриқлар бериш, уларни асраб-авайлаш бизнинг бурчимиз-ку! Сизнингча, тўйларимизнинг янада файзли ва ибратли ўтиши учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Бу ҳақда мактубларингизни кутиб қоламиз.

"РАСМ"ЛАР ВА "РУСУМ"ЛАР

Тўйларимизнинг замонавий, тўкин ўтаётгани қувончли, албатта. Аммо баъзида арзимаган ҳою-ҳаваслар сабаб пайдо бўлаётган янги «русум»ларни кўриб таажжубга тушасан киши. Бундай ҳолни, айниқса, пойтахтимизда ўтказилаётган тўйлар мисолида яққол кўриш мумкин. Чунончи, мусиқа садоларининг меъёрдан ортиқ шовқини, қолаверса, барча никоҳ оқшомларининг мазмунмоҳиятан бир хиллиги — асосан табриклар ва рақсдан иборат бўлиб қолаётгани кишини ўйга толдиради.

Бир қарашда унчалик ташвишланарли кўринмаса-да, келин-куёвларни қутлагани келганларнинг ижозатсиз давра тўрига бориб, эсдалик учун суратга тушиш маросими тўй тантаналарининг тартибли ўтишига халақит бериши билан бирга келин-куёвга ҳам ноқулайлик туғдиради. Яқинда шундай воқеага гувоҳ бўлдик.

"Янги хонадонда шоду хуррамлик билан келинлик хизматларини қилиб юрган Наргиза негадир, сал вақт ўтмай ўзида нохушлик сеза бошлади. Бироқ "Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади" деганларидек, унинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Шифокорларнинг ташҳисига кўра Наргиза вирусли гепатит касалига чалинган, энг ёмони, тиббий кўрикдан вақтида ўтмагани оқибатида бу касаллик бошқаларга ҳам юқиб улгурган экан. Бунинг сабаби суриштирилганда маълум бўлдики, бу икки ёшнинг никоҳ тўйлари гепатит касаллигининг юқиш хавфи юқори бўлган давр — куз фаслининг охирларида бўлиб ўтганди. Ўшанда келиннинг яқин дугонаси Холида шундай дардга чалиниб, бетоб бўлиб қолганига қарамай тўйга келган, суратга ҳам тушганди.

Машмашалар ана шундан кейин бошланди. Қайнона келинини касалликни юқтирганликда айблади, қудалар қизларини вақтида даволатмаганликлари учун бу оиладан норози бўлдилар. Икки ўртада орага совуқчилик тушди"...

Бу ва шунга ўхшаган муаммоларга ойдинлик киритиш мақсадида масаланинг моҳиятини тушунадиган бир неча ҳамюртимизни суҳбатга тортдик.

Умида Хусанова, Миробод тумани ФҲДЁ бўлими ходими:

— Турмуш қуриш мақсадида бизга ариза билан мурожаат қилаётган ёшларимизга, аввало, тиббий кўрикдан ўтишлари лозимлигини айтамиз. Улар икки ҳафта давомида берилган йўлланма орқали ўз ҳудудларидаги тиббиёт масканларида назоратдан ўтадилар. Сўнг никоҳ қайд этилади. Баъзи ёшларнинг истаги билан расмий никоҳни муҳташам залда, кенг жамоатчилик ҳузурида ўтказишимизга тўғри келади. Шунда ёшларни қутлаш маросими бошланиб, тўй охиригача давом этади. Ва аксинча, батартиб, миллий урф-одатларимиз уйғунлашган, бир умр эсда қоладиган даражадаги ибратли тўйларнинг кўп бор гувоҳи бўлганман. Бунга асосан куёв боланинг бу борадаги қатъийлиги, оила аъзоларининг анъаналаримизни қадрлаб, тўйларини тўғри ташкил этганликлари туфайли эришилган десам, асло янглишмайман.

Малика Раҳимжонова, психолог:

— Турмуш қураётган икки ёшнинг никоҳ тўйи нишонланадиган кун — энг орзиқиб кутилган дамлар. Келин-куёвнинг хотиржамликда, хурсандчилик билан ушбу шодиёнани нишонлашларига имконият берилмаётгани эса ачинарли ҳолдир.

Келин-куёвнинг таниган-танимаган қариндошлар билан узлуксиз сўрашувлари, безовта бўлиши ёки бошқа ҳолатлар уларни қанчалик руҳан чарчатиб қўйиши мумкинлигини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмайди. Устига-устак, уларнинг дугоналари-ю дўстлари, қариндошлари, ҳамкасбларининг ҳеч кимга парво қилмай, бемалол саҳнага чиқиб, улар билан қучоқлашиб, ҳатто ўпишиб қутлашларига нима дейсиз?! Тўғри, ҳамма ҳам яқинини энг бахтли кунида табриклашни истайди, аммо бунда ҳам маданият чегараси бор-ку! Маълумки, тўйга тайёргарлик ишлари анча эрта бошлангани туфайли одам толиқади. Шу куни куёвнинг кийимлари одатий бўлгани учун уларда ҳаяжон бирмунча камроқ бўлади, аммо келинлар учун ғайритабиий пардоз-андозлар, байрамона макияж, соч турмагининг ўзгачалиги ва залворли оқ ҳарир кўйлак ҳамда тўй қаҳрамонига айланиб, ҳаяжонлар билан давра тўрида ўтириши унинг руҳиятига катта таъсир қилиши табиий. Ана шундай ҳаяжонли, ёрқин дамларда юқоридаги ҳолатлар мия фаолиятини ҳаддан ташқари толиқтиради.

Қаҳрамон Қодиров, Тошкентдаги 5-юқумли касалликлар шифохонасининг олий тоифали шифокори:

— Мен фаолият кўрсатаётган юқумли касалликлар шифохонасида эндигина турмуш қурган оила аъзоларининг вирусли гепатитга чалиниб, даволаниш ҳоллари, афсуски, учраб турибди. Бу касаллик, айниқса, куз-қиш мавсумида авж олиб, одатда 30-35 кунда юзага чиқади. Кўриниши жиҳатдан шамоллаш ёки грипп касалликларига ўхшаш белгилари бўлгани сабабли кўпчилик уларни ажрата олмай турли маросимларда қатнашаверади.

Тўйларимиз ҳақидаги мулоҳазага келадиган бўлсак, аввало, барча оилаларимиз тиббий маданият кўникмасига эга бўлишлари шарт, деб ўйлайман. Бунга тўйга ташриф буюришдаги гигиена тартиблари ҳам киради. Худа-беҳудага келин-куёвнинг олдига боравериш, ҳатто ёш болаларини уларнинг тиззаларига ўтказиб суратга тушираверишлари ҳеч қайси қоидага тўғри келмайди. Халқимизда бежизга азалдан келин-куёвлар учун чилла вақти белгиланмаган. Бу билан уларнинг соғлиқларини муҳофазалаган бўлсалар, ажабмас.

Хурсаной Рўзиназарова, Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Хизмат юзасидан доимо халқ орасидаман. Тўйларимиз анча замонавийлашиб бораётганга ўхшайди. Уларнинг файзли, тинч-осуда ўтиши, бир умр эсда қоладиган лаҳзаларга бой бўлиши, аввало, ўз маданиятимизга боғлиқ. Биз кузатаётган тўйларда пойтахтда кенг тарқалган удумга кўра келин-куёв табрикларни қабул қилиши, эсдалик учун суратга тушиши, рақсга тушаётган яқинларига пул қистириши керак. Охирги марта муҳташам залда бўлиб ўтаётган никоҳ тўйида қатнашганимда, келинчакнинг тобора ҳолсизланиб бораётганини кўриб, тўғриси, унга ачинаётганимни яшира олмадим. Ёнимда, бир дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлардан бири буни сезиб қолди, шекилли, менга: «Шунчалик ҳам бўладими? Эринмай санадим — олтмишга яқин киши келин-куёвни қучоқлаб, ўпиб табриклади, сўнг суратга тушди», деди.

Бу гапдан ҳайратим янада ошди. Наҳотки, бутун бошли тўй маросими ана шундай ғалағовур, тала тўп билан ўтса. Мен бу одатлар қаердан келганини билиш мақсадида талай хорижий давлатларнинг тўй оқшомлари туширилган видеолавҳаларни томоша қилдим. Барчаси ихчам, самимий, уларда бундай ҳолатларнинг ҳеч бирини кузатганим йўқ. Демак, буни баъзи ёшларимизнинг ўзлари ўйлаб топган. "Бундай нохуш ҳолатларга чек қўйилмаса бўлмайди" деган фикрда маҳалламизда тўйларимизни тартибли ўтказиш ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб юбордик ва ўз навбатида жамоатчиликнинг ҳам фикрларини ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Умида МАНСУРОВА,
журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Имконият

Илҳом бахш этаётган шифохона

Ҳар куни шаҳарда жўш ураётган ҳаёт шовқини узра ажиб бир манзарага дуч келаман. Пойтахт кўчалари бўйлаб қурилаётган муҳташам иморатлар, йўллару кўприклар, коллежу лицейлар, гўзал ва кўркам боғлар юртимиз чиройига-чирой бахш этаётган бўлади. Мамлакатимиз ҳаётида, шаҳару қишлоқларимиз қиёфасидаги бу ўзгаришлар ватандошларимиз ҳаётида, руҳиятида ҳам сезилиб турибди.



Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг таъмирдан чиқарилган поликлиникасига йўлим тушди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан ижодкорларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида мазкур шифохонада яратилган шароитлар ҳақида кўп яхши хабарларни эшитган эдим. Унинг дарвозасидан кирганингизданоқ тинч, ораста, мўъжазгина боғга дуч келасиз. Уч қаватли оппоқ бино пештоқида юксак дидли меъморларнинг қалб туғёнлари уфуриб тургандек гўё.

— Поликлиникамизда икки ой давомида катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бино замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва мебеллар билан жиҳозланди, — дейди биз билан суҳбатда бош шифокор Анвар Ражабов. — Шу билан бирга тез тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган тўртта «Дамас» машинаси хизматга қўйилди. Айни пайтда тиббий масканимизда даволаш-профилактика, диагностика-лаборатория ва физиотерапия бўлимлари ишлаб турибди. Жамоамиз асосан жонкуяр ва малакали шифокорлар ва ҳамширалардан иборат. Шифокорларнинг аксарияти тиббиёт фанлари номзоди. Бундан ташқари, поликлиникада пойтахтимиздаги нуфузли клиникалар бош мутахассислари бўлган доктор-профессорларнинг навбатчилик кунлари ташкил этилган. Зарур ҳолларда улар беморларимизга ўз клиникаларида ҳам тиббий ёрдам кўрсатишади.

Бу ерга фақат Ёзувчилар уюшмаси аъзолари эмас, балки уюшма муассислигида чоп этилаётган газета-журналларнинг ижодий ходимлари, «Дўрмон» ижод уйи меҳнат жамоаси вакиллари ҳам даволангани келиб туришибди. Биз — тиббиёт ходимлари давлатимиз томонидан яратиб берилган мазкур имкониятлардан фойдаланиб, барча ижодкорларнинг соғлигини муҳофаза қилишга ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Бош шифокор таъмирдан сўнг муҳташам кўрк касб этган шифо маскани билан атрофлича таништирди. Мармар ва гранит қопламалар ётқизилган зиналардан кўтариламиз. Жарроҳлик, гинекология, лаборатория хоналари, стрелизация, муолажа ва эмлаш хоналари деворлари ўзининг кўркамлиги ва қулайлиги билан эътиборимизни тортади.

— Ёзувчилар жуда кўп вақтларини ёзиш билан ўтказишади, мутолаа қилишади. Уларни тез-тез кўрикдан ўтказиб туриш зарур, — дейди кўз шифокори Тозагул Реймбоева. — Бунинг учун поликлиникада янги аппаратлар мавжуд. Мана — «Авто-REF». Бу кўзнинг қай даражада хиралашганини текширади. Шунга қараб, ҳар кимга мос кўзойнак тавсия этамиз. У Германиядан келтирилган. Мана бу аппарат «Проекцион — преметр» деб аталади. У кўзнинг кўриш майдонини текширади. «Шелевая лампа» эса кўз гавҳари, қорачиқни текширади. Кўриш қобилиятини аниқлайдиган «Проектор» эса бизнинг шифохонадан бошқа жойда йўқ. Узоқдан «пулт» билан бошқариладиган ушбу мониторга кўз сезгисини, ранг фарқлашни, кўз касалликларини аниқлайдиган бир неча жадваллар ўрнатилган. Бу жуда қулай ва фойдали. Бундан ташқари поликлиникада инсон ички аъзолари — юрак, ошқозон, жигар, буйрак хасталикларини ультратовуш ёрдамида текширадиган янги компьютерлашган усукуналар, «ЭКГ», «ЭХО» каби, шунингдек, физиотерапия бўйича ўнлаб муолажа аппаратлари, стоматалогия бўйича замонавий комплекс жиҳозлари борлиги малакамизни янада оширмоқда.

— Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига тиббий кўрикдан ўтгани келдим, — дейди шифокор қабулидаги шоир Рустам Мусурмон. — Шифокорлар хизматидан жуда мамнунман. Ижодкорлар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш учун юксак даражада яратилган бундай шарт-шароитлар менга катта илҳом ва куч бағишлади. Энди асосий гап, шу юксак эътиборга жавобан халқимизга манзур бўладиган, унинг маънавий мулкини бойитадиган асарлар яратишда.

Ҳазрат Навоийнинг, бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп, деган сатрлари бор. Айнан шу масканга келганимда, шоирнинг шу мисралари беихтиёр хаёлимдан ўтди. Демак, уюшма аъзоларининг даволаниши, дам олиши ва тўлақонли ижод қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган экан, келгусида улар қалам қудрати, эзгу сўзи билан билдирилган ишончни оқлашига ишонамиз.

Адиба УМИРОВА



Суратда: *шифо маскани фаолиятидан лавҳалар.*

Мароқли ҳордиқ

Комилликнинг мезонлари кўп. Миллий маънавий қадриятларимизга содиқлик, юрт эртаси ва фаровонлиги учун масъуллик — инсонийликнинг гўзал кўринишларидир. Маънавиятни юксалтириш йўлида қилинган ҳар бир иш эса фақат эзгуликдан дарак беради.

Куни кеча Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали ва драма театрида "Шайтоннинг гапига кириб" номли спектакль намойиш этилди. Театрга "Ҳамкорбанк" ОАТБ жамоаси банк мутасаддилари билан биргаликда ташриф буюрди.

Режиссёр Алижон Асқаров томонидан саҳналаштирилган асар бугунги куннинг долзарб мавзусини ўз ичига олгани билан ҳам томошабинларда ўзгача таассурот қолдирди. Саҳнада нафс йўлига кириб, шайтонга қул бўлган айрим замондошларимиз ҳаёти сатира ва юморга бой саҳна кўринишлари орқали моҳирона очиб берилган. Гоҳ кулдириб, гоҳ ўйга толдирган бу саҳна асари банк жамоасига манзур бўлди. Мароқли ҳордиқ сўнггида "Ҳамкорбанк" бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси томонидан истеъдодли актёр ва актрисаларга эсдалик совғалар тухфа этилди.

Нилуфар ДАВИДОВА
Андижон

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" банки (ОАЖ)

сизларга қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"ТАДБИРКОР"

Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"КАФОЛАТЛИ" — АҚШ долларида

Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ЖАМҒАРМАНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Молия муассасаларида

CSB Credit Standard Bank

— ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Бугун юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан турли имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Бу ўз навбатида реал иқтисодий секторни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қолаверса, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, пировардида халқ турмуш фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг ўрни катта бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастурламалдир.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида очиқ акциядорлик тижорат «Кредит-Стандарт банк»и томонидан ўтган йил давомида 24,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, аҳолининг ўсимлик ёғи билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида ёғ-мой саноат уюшмасига кирувчи иккита корхона 7,9 миллиард сўмлик кредит билан таъминланди. Бунинг натижасида аҳолининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган талаби қисман қондирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни улар билан янада бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини эса модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида ўтган йилда кўрсатилган кредит ҳамда лизинг хизматлари миқдори 4,7 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, банкнинг Самарқанд филиали мижозига узоқ муддатга 4,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Натижада ушбу корхонага Бельгия, Франция, Германия давлатларидан 8 хил рангли гилам маҳсулоти ишлаб чиқарувчи, юқори сифатли, янги комплекс ускуналари келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йили "Кредит-Стандарт" ОАТБ томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишлар кўлами катта бўлди. Бу борадаги ибратли ишлар жорий йилда ҳам давом этмоқда.

Банк матбуот хизмати ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Спорт

Мағлубият ғалабага ундайди

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бери мамлакатимизда спортга, хусусан, футболни ривожлантиришга ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ бугун юртимиз футболчилари халқаро майдонларда улкан ютуқларни қўлга киритяпти. Уларнинг зафар солномасига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси икки марта жаҳон чемпионатида иштирок этганини, Ампутантлар терма жамоаси эса икки марта жаҳон чемпионатида муносиб қатнашиб, ғолиб бўлганини фахр билан қайд этиш мумкин. Қолаверса, юртимизда икки марта ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионати ўтказилгани ҳам бу соҳадаги ютуқларимиздан дарак беради. Шунингдек, ўтган йили мамлакатимизнинг футбол бўйича ўсмирлар терма жамоаси пойтахтимизда ўтказилган Осиё биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаш билан бирга жорий йилда Канадада ўтказилиши режалаштирилган жаҳон мундиалида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

2011 йил эса Ўзбекистон футболи учун чинакам омадли бошланди. Бундай дейишимизга етарлича асос бор, албатта. Айни кунларда Қатарда давом этаётган Осиё кубоги-2011 беллашувларида юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда. Гуруҳ беллашувларида рақиблар устидан икки марта ғалаба қозонган ва бир сафар дуранг натижасини қайд этган юртдошларимиз "А" гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси чорак финал беллашувида "В" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Иордания терма жамоасига қарши майдонга тушди. Қизғин ва муросасиз кечган мазкур ўйинда вакилларимиз 2:1 ҳисобида зафар қучиб, ўзбек футболи тарихида илк марта Осиё чемпионатининг ярим финал йўлланмаси соҳиби бўлди.

Кеча эса Осиё кубоги-2011 мусобақасининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Япония — Жанубий Корея, Ўзбекистон — Австралия терма жамоалари финал йўлланмаси учун баҳс олиб боришди.

Энди бевосита миллий терма жамоамиз иштирокидаги ўйин хусусида тўхталадиган бўлсак, вакилларимиз австралияликларга қарши беллашувда негадир анча суст ҳаракат қилишди. Натижада учрашувнинг биринчи бўлимида Темур Жўраев дарвозасига иккита тўп киритилди.

Иккинчи бўлимда юртдошларимиз мухлислар кутган ўйинни намойиш эта олмагани оқибатида яна голлар дарвозамиз тўридан жой олди. Якуний ҳисоб — 0:6.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари учинчи ўрин учун Жанубий кореяликларга қарши майдонга тушади.

УЛУҒБЕК ДУНЁДА ТЕНГСИЗ



Кўпчиликка яхши таниш бўлган Goal.com сайти Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Улуғбек Бақоевни дунёнинг ўтган ҳафтадаги энг яхши футболчиси, деб эълон қилди.

2011 йилнинг 17-23 январь кунлари ўтказилган учрашувларда иштирок этган ўйинчилар орасида энг кўп овоз олган ўзбек ўғлони жаҳоннинг таниқли футбол юлдузлари — франциялик Карим Бензема, голландиялик Арьен Роббен ва испаниялик Фернандо Торресларни ортда қолдирди.

Хориж оммавий ахборот воситаларида Улуғбек Бақоевнинг мазкур сўровда ғолиб бўлишининг асосий сабаби айни кунларда давом этаётган Осиё чемпионатининг чорак финал учрашувида Иордания терма жамоаси дарвозасига киритган иккита голи, дея эътироф этилмоқда.

ЖАМОАЛАРГА ЯНА ИМКОНИЯТ БЕРИЛДИ

Осиё кубоги — 2011 турнирининг расмий сайти тарқатган хабарга кўра, айни вақтда давом этаётган қитъа чемпионатида дастлабки учта ўринни эгаллаган жамоалар 2015 йилги Осиё биринчилигига тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритади. Буни ОФК расмийлари ҳам тасдиқлади.

Қатардаги «Халифа» стадионида оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифингда Осиё кубоги мусобақаси директори Токуаки Сузуки бу ҳақда шундай деди: «Мусобақанинг энг кучли учта жамоаси Австралияда бўлиб ўтадиган 2015 йилги Осиё кубоги финал босқичи йўлланмасини қўлга киритади. Ўйлаймизки, бу жамоаларнинг иштиёқини оширишга хизмат қилади. Хабарингиз бор, 2007 йилги мусобақа вақтида ҳам худди шундай усулни татбиқ этгандик».





СЕРХИО МАРТИНЕС БИРИНЧИ БЎЛДИ

Филиппинлик Мэнни Пакиао 2010 йилнинг энг яхши боксчиси бўла олмади. Америка журналистлари ассоциацияси томонидан ўтказилган сўров якунларига кўра, аргентиналик Серхио Мартинес ўтган йилнинг энг яхши чарм қўлқоп устаси, дея топилди. Мэнни Пакиаога эса иккинчи ўрин насиб этди. Бу ҳақда www.boxingscene.com сайти хабар тарқатди.

Ўттиз беш ёшли Серхио Мартинес ўтган йили иккита жанг ўтказганди. Энг асосийси, у апрель ойида америкалик Пол Уильямсни мағлубиятга учратиб, WBC ва WBO версиялари бўйича чемпионликни қўлга киритганди. Мана шу омиллар унинг ғолиб дея эътироф этилишига туртки бўлгандир, эҳтимол.

Азим РЎЗИЕВ

КАПАЛАК

— Фақат бир кунгина яшайсан. Намунча қувонмасанг? — сўраштди капалакдан.

— Бир кун бўлса ҳам атрофдагиларга қувонч улашаман-да, — деди капалак.

ЧУМОЛИ

— Эрталабдан кечгача бунча ғимирламасанг, — дейишди чумолига.

— Тирикчилик-да! — жавоб қайтарди чумоли.

ДУТОР

— Намунча нола қиласан, — сўраштди дутордан.

— Ахир, мени чертишяпти-ку, — жавоб берди у.

ҚУМҒОН

Қора қумғондан сўраштди:

— Сенга нима керак?

— Ўчоққа қўйиб, чой қайнатишса бўлгани, — деди қумғон.

ПУЧ ЁНҒОҚ

Ёнғоқ шовқин кўтариб анча шақиллади. Кимларнингдир бошида чақилди... Кимларнинг қўйнини тўлдирди... Сўнг... пучлиги маълум бўлгач, пучоққа айланди.

Заҳро ИБРАГИМОВА

Бадиа

Киш ғашти

Қор ундай эланиб-эланиб ёғмоқда. Она табиат ўз инъомларини меҳр билан ўлкамиз узра сочмоқда. Шу пайтгача ҳам қор учқунлаб, ернинг ташна лабларини оқартириб ўтувди. Аммо улар қор эмас, қорнинг элчилари экан. Ана, ёз бўйи бор неъматларини халқимизга берган далалар қор қўйнида қониб уйқуга кетмишдир.

Бу қор азиз меҳмондай анчадан бери кутилаётганди. У ўлкамизни соғиниб, ўзини ҳам соғинтириб келди.

Аввал Сурхон, сўнгра Зарафшон воҳаси далалари, боғу роғларини илиқ, ёқимли нафаси билан баҳор қизлари–ялпизларни уйғотмоқчи бўлгандай эркалаб ўтди. Тоғу тошларга тўшини урди. Зилол чашмаларга лаб босди. Куннинг иккинчи ярмида Тошкентнинг пойига келиб, меҳри ийди. Энтикиб қаради сўлим ва обод шаҳарга. Гўзаллиги оламга машҳур Фарғона водийсига отланиш олдидан тун уйқусида осуда нафас олиб, тиниқкан шаҳарликларга эрта тонгданоқ қувонч улашиб, ҳарир либосини чамбарак айлаб, буралиб, буралиб шундай рақсга тушдики... ҳай, ҳай...

"...Ўйнаб, ўйнаб ёғар қор,
Ажиб, қорга қарайман.
Кўнглимда яшнар баҳор."

Бу нафис мисралар она шоирамиз Зулфиянинг қалбига мансуб. Соҳир туйғулар сурати. Унинг элу юртга муҳаббатини намоён қилиб, қалбларимиздан жой олиб улгурганига анча бўлган.

Бу мисраларни илк муҳаббат сингари унутиб бўлмайди. Севгидай тоза, қордай беғубор.

Қор ёғмоқда. Сўлим ва обод гўшалар парқу покликнинг қучоғида. Гўё табиат — онамиз, биз ожиз бандаларга қараб: "Мана, кўр, қалбингни оқартириб ол, ўзингни покла, туйғуларингни жиловла ва боқ бу гўзал, обод ва мустақил Ўзбекистонга у сеники, фақат сеники! Уни сув, ўт бало-офатларидан худонинг ўзи сақласин! Қалбинг борича сев, қадрла, ардоқла ва асра! У оламда битта ва ягона!" деяётгандай.

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Оламда ягона Ватанимиз бор. Унинг ҳар бир гиёҳи кўзимизга тўтиё, ҳатто унинг қор зарраларида ҳам ҳикмат мужассам! Улар покликка даъват этади. Улар севишни ва қадрлашни, фидойиликни ўргатади. Ана, дарахт шохидаги сўнгги япроқ! У ҳарбийдан қайтган аскар — баҳодирини кутиб олишга чиққан қизнинг бошидаги ҳарир рўмолдай илиниб турибди. У муҳаббати–покликка ташна! Етди-ю пойига, "Хуш келибсиз", — дея бош урди.

...Агар севолмасанг, кел-да боғимга,
Япроқлардан севишни ўрган!

Қор баҳона туйғулар покланди. Қут-барака муборак, азизлар!

Эл МУРОД

СИЗ УЧУН
АРЗОН ТЎПЛАМ!
«САЛОМ» ТАРИФИ
Чиқувчи алоқа (тармоқ ичида 1-дақиқадан) $0,01 (1 дақ. учун)
SMS ва MMS (тармоқ ичида) $0,005 (1 хабар учун)
«Салом» тарифига ўтиш учун USSD-командани теринг: *111*119#
МТС бир қадам олдинда
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.05

® — тижорат белгиси.

Адади: 9837 Буюртма — Г-126 12345